

Xabar

30
(827)-son

25-iyul

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2008

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan



Heathrow Express (Лондон) темир йўл тармоғи хизматидан фойдаланувчи йўловчилар темир йўл чипталарини мобил телефон воситасида харид қилиш имконига эга бўлишди.

AVANTIXMetro деб номланган мазкур янгилик Atos Origin компанияси томонидан ишлаб чиқилди.

Чипта харид қилишни истаганлар ўз телефонларига махсус дастур таъминоти-ни ўрнатишга кифоя. Харидор истаган пайтда унинг телефон рақамига расмийлаш-тирилган штрих-кодли электрон чипта келиб тушади. Уни хошига кўра принтердан чиқариб олиш ҳам мумкин. Чиптачи назоратидан ўтишда ҳар иккала шаклдан ҳам фойдаланса бўлади.



Илм булоқлари

Таълим-тарбия — келажак қаноти. У қанчалик мустаҳкам бўлса, парвози ҳам шунча-лик юқори ва узок бўлади. Мустақиллик шарофати билан ёшларимиз барча шарт-шароитларга эга билим даргоҳларида ўқиб-улғайишмоқда. Пойтахтимизнинг "Бодом-зор" мавзесида 2007 йили қад рослаган ТАТУ қошидаги 2-сонли Академик лицейда ҳам юзлаб ёшлар билим булоқларидан баҳра олишяпти.

— Лицейимиз Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус касб-хунар таълими Марказининг қўшма буйру-гига кўра Телекоммуникациялар лицей-интернати негизида 2006 йилнинг 25 сентябри-да ташкил этилган, — дейди лицей директори Шавкат Уроқов. — Жорий ўқув йилидан бошлаб бу ерда 700дан ортиқ ўқувчи физика, математика, она тили ва адабиёт, ин-форматика фанлари ҳамда компютер технологиялари бўйича чуқурлаштирилган ҳолда билим олишади. Бунинг учун ўқув биносида барча қулайликлар мавжуд. Жумладан, кенг ва шинам ўқув хоналари, лаборатория ва компютер хоналари ёшлар ихтиёрида. Бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун фан ва спорт тўғралаклари ташкил этилган. Янги спорт залида ҳам барча шарт-шароитлар мавжуд.

Бир вақтлар бу ерда эски мактаб бўларди, ҳозир эса унинг ўрнида кўзни қувнатади-ган янги билим даргоҳи. Давлатимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган ушбу ғамхўр-лик эртага албатта ўз меvasини беражак.

Ушбу сонда:

Йил охиригача
36 тармоғи ишга
туширилади

— дейишмоқда
"Unitel" МЧЖ раҳбарлари

2-бет

АКТ — таълимда
сифат гарови

3-бет

Доймо эътиборда

5-бет

Обсуждены вопросы
роли и значение ИКТ
в государственном
управлении

6-бет

Телефон эгаси ким?

11-бет

Яхши сўз жон озиғи

16-бет




Кенг қамровли
суғурта хизматлари

тел.: (+998 71) 273-80-05, факс: (+998 71) 273-80-06



UzNet
Internet Service Provider
— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернети



✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 17 июл куни Бухоро вилоятининг Когон туманида бўлди. 2008 йил 10 июл кечаси Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Бухоро вилояти Когон туманида жойлашган ҳарбий қисмининг ракета-артиллерия омборида ўт чиққан ва у омборда ёнган юз бериши ҳамда ўқ-дориларнинг портлашига сабаб бўлган эди. Давлатимиз раҳбари мазкур ҳодиса юзасидан тузилган ҳукумат комиссиясининг Когон туманида бўлиб ўтган йиғилишини бошқарди.**

✓ **2008 йил 18 июл куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари кўриб чиқилди ҳамда 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.**

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бошқарди.

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 18 июл куни Оксаройда Япония молия вазири Фукуширо Нукагани қабул қилди.**

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

✓ **Кувейт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ 21 июл куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кутиб олди.**

Ислам Каримов ва шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳнинг яқнама-яқна суҳбатига Ўзбекистон-Кувейт муносабатларига доир масалалар, томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 июл куни Оксаройда Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавкулдада ва мухтор элчиси Ричард Норландни қабул қилди.**

Учрашувда икки томонлама ўзаро манфаатли муносабатларни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

✓ **Матбуотда "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.**

✓ **Мамлакатимизга ташриф буюрган Таиланд Қироллиги Ташкилотлар вазирлиги доимий котибининг ўринбосари Чариват Сантапутра раҳбарлигидаги делегация аъзолари 22 июл куни Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов билан учрашди.**

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар кўплаб жабҳаларда, жумладан, иқтисодий, маданий, фан-таълим, спорт ва сайёҳлик каби кўплаб соҳаларда ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Пойтахтимиздаги «Tashkent Palas» меҳмонхонасида «Билайн» раҳбарияти ва журналистлар ўртасида очик мулоқот ташкил этилди. Унда «Unitel» МЧЖ бош директори Игор Пилюгин, техник директори Михаил Богоявленский, тижорат ишлари директори Андрей Солоухинлар иштирок этиб, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.



Йил охиригача 3G тармоғи ишга туширилади

— дейишмоқда «Unitel» МЧЖ раҳбарлари

— Компаниямизнинг доимий эътиборида турган асосий вазифалардан бири алоқа сифатини янада яхшилашдир, — деди Игор Пилюгин. — Айни пайтда, айтиш мумкинки, ярим йил аввалги ҳолатга қараганда алоқа сифати сезиларли даражада яхшиланди. Бунга мижозлардан тушаётган шикоятларнинг камайгани ҳам мисол бўлади. Шунингдек, ҳудудларда тармоқни ривожлантириш масаласи ҳам диққат-марказимизда турибди. Тармоқ сиғимини кенгайтириш асосан ҳудудларда олиб боришмоқда. Чунки пойтахтда бозор деярли қамраб бўлинди, ҳудудларда мижозлар сонини кўпайтириш имконияти эса юқори. Шу мақсадда чекка туманларда янги база станцияларини қуришга бу йил икки баравар кўп маблағ ажратилади.

Компания раҳбарларининг таъкидлашларича, 2008 йилнинг биринчи ярим йиллиги яқунларига кўра, мижозлар сони 2 миллион 870 минг нафарни ташкил этди. Бундан кейин ҳам улар сонини ошириб бориш учун ранг-баранг тариф режалари амалга киритилади. Компания ижтимоий масъуллиқни ҳам унутгани йўқ. Жойлардаги тиббий муассасаларга ёрдам кўрсатилиши

давом этмоқда.

Учрашувда бугунги кунда мижозлар қизиқиши ва эътиборида бўлган 3G технологияси тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилди. Айни пайтда «Хуавей» компанияси томонидан замонавий технологиялар етказиб берилмоқда. Учинчи авлод тармоғини йил охирига қадар жорий қилиш режалаштирилган. Аввалига у Тош-

кент шаҳрида синовдан ўтказилади. Шунга қараб бошқа ҳудудларда ҳам 3G тармоғини кенгайтиришга бел боғланади. Бу эса мобил интернет ва бошқа хизматлар сифати ҳамда қўламини оширишга хизмат қилади.

Тадбир сўнгида бу каби очик суҳбатлар келгусида анъанавий тарзда ўтказилиши ҳақида келишиб олинди.

Ўзига хос давра суҳбатлари вилоятларда ҳам ташкил этиляпти. Яқинда Термиз шаҳрида мобил телефон ёрдамида сўзлашув маданиятини амалга киритиш бўйича навбатдаги давра суҳбати ўтказилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур таълимий лойиҳа доирасида турли жамоатчилик ташкилотлари вакиллари иштирок этган қатор тадбирлар аввалроқ Тошкент, Фарғона, Наманган ва Самарқанд шаҳарларида ҳам бўлиб ўтганди.

Термиз шаҳридаги давра суҳбатида халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, масжид ва олий ўқув юрти вакиллари иштирок этишди. Суҳбат қатнашчилари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Ҳар бир абонент мобил телефондан фойдаланиш одобларини билмоғи керак. Чунки у чиндан ҳам умумий маданиятнинг бир бўлаги саналади. Агарда бу одоб-қоидаларни мактаб партиданидан бошлаб ўқита бошласак, жуда яхши иш бўлар эди. Биз, маърифатчилар, ушбу лойиҳани чин дилдан қўллаб-қувватлаймиз, — деди Термиздаги 15-мактаб ўқитувчиси Олга Раҳимова.

Баҳс жараёнида турли тақлифлар ўртага ташланди ва «Мобил телефондан фойдаланиш одоб-қоидалари» имзоланди.

Лутфилло ТУРСУНОВ

MARKA TAQDIMOTI

FINAнинг 100 йиллигига

«Тошкент почтамити»да Халқаро сув спорти федерацияси (FINA)нинг 100 йиллигига бағишлаб чиқарилган почта маркаларини муомалага киритишга бағишланган тантанали маросим ўтказилди.



Халқаро сув спорти федерацияси 1908 йилнинг 19 июлида Лондонда Олимпия ўйинлари ўтказилиши муносабати билан ташкил этилган. Ҳозирда унга 195 давлат аъзо. 1992 йилнинг 22 июл куни ташкил этилган Ўзбекистон сув спорти федерацияси орадан икки йил ўтиб — 1994 йили FINA ҳамда Осиё сув спорти ассоциацияси (OCCA)нинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.



«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ томонидан тайёрланган почта маркалари тўрт серияли бўлиб, иккитадан марка ўртасида Халқаро сув спорти федерацияси эмблемаси — FINA акс эттирилган купонга бирлаштирилган. Маркаларда сув поло-си, синхрон сузиш, сувга сакраш ва сузиш мусобақалари тасвирланган.

Маросимда Республика сув спорти федерацияси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ, соҳанинг бошқа қорхона ва ташкилотларидан вакиллар ҳамда филателия ихлосмандлари иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз

QAROR VA IJRO

Сирдарё вилояти халқ таълими тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга ошириляпти.

Шуниси эътиборлики, 2004-2009 йилларда "Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури" доирасида ҳозирга қадар вилоят бўйича 3та янги мактаб қурилди. 45та мактаб капитал реконструкциядан, 62та мактаб эса капитал таъмирдан чиқарилди. Мазкур муассасаларнинг компютер синфлари 2004-2007 йиллар мобайнида жами 104та "Пентиум-3" ва "Пентиум-4" русумли компютер мажмуи билан таъминланди. Айни пайтда вилоят мактабларида 2650та замонавий компютер жамланган 226та синф хоналари мавжуд. Локал тармоқдан фойдаланувчи мактаблар сони 186тани ташкил этади. 13та мактаб эса компютер тармоғига уланган бўлиб, 48та мактабда тест синовларини ўтказишда компютер имкониятларидан изчил фойдаланиляпти.

Вилоят халқ таълими бошқармаси ва барча туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари ўртасида электрон почта хизмати йўлга қўйилган бўлиб, бу восита Республика Халқ таълими вазирлиги электрон ахборот алмашув тизимига уланган. Шунингдек, мактаблар паспортларининг автоматлаштирилган "Мақтаб-инфо" тизими вужудга келтирилди. Бошқарув жараёнида "Мақтаб-инфо" тизими зарур маълумот ҳамда фотосуратларни тезкорлик билан олиш имкониятини

АКТ — таълимда сифат гарови



яратади ва маълумотларнинг сифатли, бир йўсинда бўлишини таъминлайди. Боз устига, халқ таълими бошқармаси ва туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида қабул қилинган ҳужжатлар ижросини назорат қилишнинг автоматлаштирилган дастурий тизими — АСКИДдан изчил фойдаланиляпти.

Вилоят "Умумтаълим мактабларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш" лойиҳаси доирасида ўтган йили 11та етакчи кластер мактаби (ЕКМ) ҳамда 25та Ахборот-ресурс маркази давлат комиссияси томонидан қабул қилинди. Чунончи, 11та ЕКМларнинг ўқув-компютер синфхоналари таъмирига 32105625 сўм маблағ сарфланди. Ушбу маблағнинг 19376858 сўми ҳомийлар ҳисобига тўғри келади. Айни пайтда туман, шаҳар халқ таълими бўлимларига қарашли етакчи кластер мактабларини UzNet ва UzScaNet интернет провайдерларига улаш имкониятлари изланмоқда.

Ахборот-коммуникация технологияларининг таълим тизимида татбиқ қилинишини жадаллаштириш ва барча пе-

дагог кадрларнинг компютер саводхонлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам эътиборга моликдир. Айни кезде сирдарёлик ўқитувчиларнинг 6973 нафари компютер билан бемалол ишлай олади. Бу эса вилоятда фаолият олиб бораётган ўқитувчилар сонига нисбатан 58,6 фоиз демакдир. Биргина ўтган йили вилоят ўқитувчиларининг 3793 нафари компютер саводхонлиги бўйича махсус курсларда ўқитилди.

Президентимизнинг юқорида таъкидлаб ўтилган фармони ижросини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган тадбирлар туфайли сирдарёлик ўқувчиларнинг республика миқёсидаги турли кўрик-танловларда, ижодий баҳсларда қўлга киритаётган натижалари салмоқли бўляпти. Биргина 2007-2008 ўқув йили давомида ўтказилган вилоят фанлар олимпиадаси вилоят ўқувчиларининг билим даражаси тўрт йил олдингига нисбатан 50 баллгача ошганини кўрсатди.

Козим ЭШҚУВВАТОВ
Сирдарё вилояти

Почтачилар учун ўқув

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2010 йилгача почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиалида почта алоқаси ходимларининг малакасини ҳамда ходимларнинг касбий маҳорати ва компютерда ишлаш кўникмаларини ошириш мақсадида ташкил этилган ўқув машғулоти ана шулардан бири ҳисобланади.

Навоий компютер технологиялари касб-хунара коллежида ташкил этилган мазкур ўқув машғулотларининг дастлабки босқичига Томди, Учқудук, Нурота, Конимех, Бешрабод, Янгирабод, Қизилтепа, Кармана, Зарафшон ва Навоий шаҳарлари почта алоқаси тармоқларидан 55 нафар алоқа бўлими бошликлари жалб этилди.

— Ахборот асри афзалликларидан биз қизилқумликлар ҳам тўлиқ фойдаланиш имкониятига эга бўлаётганимиздан жуда хурсандман, — дейди Томди туманидаги Утемурад алоқа бўлими бошлиғи Аманби Андақулов. — Кўп йиллардан буён соҳада меҳнат қилаётган бўлсам ҳам бундай шароит ва имкониятлар мен учун орзу эди, холос. Барча амалиётларни компютерда бир зумда бажарадиган ҳамкасбларимга ҳавасим келарди. Мана, машғулот давомида ўзим ҳам жуда кўп нарсаларни билиб олдим. Худди ана шундай ўқув машғулотларининг кўпроқ ташкил этилиши тарафдоримиз.

— Туман ва шаҳарларда фаолият юритаётган алоқа бўлими бошликлари машғулотлардан жуда катта таассуротлар билан қайтишди, — дейди филиал кадрлар бўлими бошлиғи Шакарбек Қазаков. — Энг муҳими, уларнинг олган билимлари ҳаётга татбиқ этилади, компютерда ишлаш кўникмаларини оширишга хизмат қилади.

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Хабар"нинг Навоий
вилоятидаги мухбири

НАМКОРЛИК УЎҚЛАРИ

Яқинда Тошкент ахборот технологиялари университети-нинг Самарқанд филиалида Жанубий Кореянинг Ёнгнам университетидан келган 25 нафар талаба ва профессор-ўқитувчилар билан учрашув ўтказилди. Тадбирни ТАТУ Самарқанд филиали директори Омон Мелиев кириш сўзи билан очди.



Ёнгнам университети — ТАТУ меҳмони

У ўзбек ва корей халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларга тўхталаркан, жумладан ТАТУ Самарқанд филиали ва Ёнгнам университети ҳамкорлик бошлаганига уч йил тўлганлиги, бундай учрашувлар мунтазам ўтказиб борилаётганлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлаб ўтди.

Ёнгнам университети профессори Жонг Хеон Ан делегация олдида қўйилган мақсадларга тўхталаркан, аввало маданиятлар алмашинуви, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари билан ишлаш ҳамда глобаллашув бўйича ўзаро фикр-мулоҳаза алмашшга эътибор қаратилганини маълум қилди. Шунингдек, профессор ҳамкорликнинг бундай йўналишларини яна кўпайтириш тарафдори эканлигини билдириб, ўз фикр-мулоҳазаларини йиғилиш қатнашчилари билан ўртоқлашди.

Тадбирда Ёнгнам университети профессори Банк Ичюхан, ТАТУ Самарқанд филиали магистри Зайниддин Қаршиев, 3-босқич талабаси Шухрат Эшпўлатовлар ҳам сўзга чиқиди.

Учрашудан сўнг корейликлар Самарқанднинг қадимий обидаларини зиёрат қилишди.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
«Хабар»нинг Самарқанд
вилоятидаги мухбири

Хайрли тадбирлар

"Ёшлар йили Давлат дастури" бўйича "Қорақалпоқ Телеком" филиалида режа ишлаб чиқилиб, йил давомида қатор тадбирлар уюштирилмоқда.

Ходимларнинг юздан ортиқ фарзандлари ёзги соғломлаштириш мавсумини Тошкент вилоятидаги "Ёш алоқачи" оромгоҳида, 105 бола маҳалли дам олиш масканларида ўтказмоқда.

Оммавий спорт мусобақалари ташкил қилиниб, уч босқичда олиб борилди. Иштирокчилар шахмат, шашка, стол тенниси, арқон тортиш каби мусобақаларда куч синашишди. Шунингдек, бир қатор ёш оилаларга 186300 сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди.

Булардан ташқари, боғламаларда ёш оилаларни моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлаш бўйича бошқа тадбирлар ҳам ўтказиб келинмоқда.

Раҳимжон БОЛТАБОВЕВ,
"Хабар"нинг Қорақалпоғистондаги мухбири

Фикр

Ёшлиқ — олижаноб туйғуларнинг боқира палласи.

Н. ЧЕРНИШЕВСКИЙ

XALQARO HAYOT

НЕПАЛДА ИЛК
ПРЕЗИДЕНТ САЙЛАНДИ

Непал парламенти томонидан 21 июл куни сайланган мамлакатнинг илк президенти Рам Баран Ядав қасамёд қабул қилди.

Рам Баран Ядав бунгача Непал конгресси марказчилар партияси бош қотиби вазифасида фаолият юритган. У президентлик сайловларининг иккинчи босқичида маочилар номзоди Рамраж Прасад Сингх устидан ғалаба қозонди.

Жорий йилнинг май ойига қадар Непал расман монархия ҳисобланаса-да, амалдаги қирол Гянендра 2007 йилнинг бошларидаёқ ҳокимиятдан четлатилганди.



ЯПОНИЯДА КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА

24 июл куни эрта тонгда Япониянинг шимоли-шарқий қисмида 6,8 балл кучга эга ер силқиниши кузатилди.



Маълумотларга қараганда, зилзила маркази Иватэ префектураси ҳудудига тўғри келади. Тахминан 26-76 киши қур-

бон бўлган, тўққиз киши эса тан жароҳати олгани ҳақида маълумотлар бор.

Зилзила оқибатида Иватэ, Аомори, Мияги, Акита ва Тоба префектураларида электр тармоғида жиддий узилишлар рўй бериб, электропоездлар тўхтаб қолган.

МОСКВА — ДУНЁНИНГ
ЭНГ ҚИММАТ ШАҲРИ

Москва — чет элликлар яшаши учун дунёнинг энг қиммат шаҳри. Бу ерда яшаш Нью-Йорк, Шанхай, Амстердам ва Мадридда яшашдан бир ярим баравар қимматга тушади. Бу ҳақда жаҳоннинг 143 шаҳрида 200дан ортиқ товар ва хизматлар нархини солиштириб чиққан Mercer фирмаси маълумот беради.

Рўйхатда Лондонни ортда қолдирган Токио иккинчи ўринга кўтарилган. Олтинчи ўринда бораётган Норвегия пойтахти Осло шаҳри эса нефт нархлари беқарорлиги натижасида икки поғона баландлаган.

“СПАМ КИРОЛИ” ҚАМАЛДИ

“Спам қироли” сифатида машҳур Роберт Солуэй 47 ойга озодликдан маҳрум этилди. У фирибгарлик, рухсат этилмаган реклама жўнатмаларини йўллаганлик ҳамда солиқ тўлашдан бўйин товланганлик бора-сидаги ўзига қўйилган айбловларни бўйнига олди.

Солуэй қилмишлари учун суд ва оила аъзоларидан кечирим сўради.

УИЛЛ СМИТГА ТЕНГ
КЕЛАДИГАНИ
ЙЎҚ

Forbes журналининг қайд этишича, Уилл Смит Ҳолливуднинг “энг қиммат” актёрига айланган. У бир йилда 80 миллион доллар ишлашга муваффақ бўлди. У шунингдек, ўзига хос Ҳолливуд рекордини ҳам ўрнатди — ўтган йили ҳар бирининг бюджети 100 миллион доллардан зиёд бўлган 8та филмда суратга тушди.

Киномиллионерлар рўйхатида иккинчи ўринни 72 миллион даромадга эришган Жонни Депп эгаллади. Комик актёр Эдди Мерфи эса 55 миллион доллар билан учинчи поғонани банд этган.

Ҳолливуднинг энг қиммат актёрлари ўнлигига, шунингдек, Майк Майерс, Леонардо Ди Каприо, Брюс Уиллис, Бен Стиллер, Николас Кейж, Уилл Феррел ва Адам Сэндлерлар киритилган.



Интернет материаллари асосида тайёрланди

Иш вақти якунланишига санокли дақиқалар қолганида Навоий вилоятидан кўнғироқ бўлди: “Мен ҳозир жазони ижро этиш муассасасидаман. Қамокдаги эримнинг аҳволи оғир...”

Узоқ вилоятдаги ташвишли хабарнинг Андижон инсон ҳуқуқлари нодавлат жамоат бирлашмасига нима дахли бор? Қамокхона курорт эмас-ку?..

Шахс манфаатлари
муқаддас

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига

Фуқаронинг мурожаати мазмунан ўрганиб чиқилганида ташвиш бежиз эмаслиги аён бўлди. Жазони ижро этишга маҳкум Қулматжон Сўфиев (исми шарифи ўзгартirilган) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 97-модда, 1-қисми — қасддан қотиллик билан айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилган. Аммо, жиноят содир бўлганига қадар Андижон вилоят руҳий касалликлар шифохонасида 2004 йилдан бўён даволаниб келган. Зудлик билан тегишли маълумотларни жамлаб, таҳлил этиб, Навоий вилоятидаги жазони ижро этиш муассасаларида қонунчилиқни назорат қилиш бошқармасига ҳамда Уя 64/47-сонли жазони ижро этиш муассасасига телеграмма юборилди. Унда маҳкумнинг ҳақиқатан иккинчи гуруҳ ногирони эканлиги, руҳий соғлиқни сақлаш муассасасида назоратда бўлгани, айнан жиноят содир бўлган пайтда ўз ҳаракатларини тушуна олгани боис жавобгарликка тортилгани баён этилиб, унинг эпилепсия — тутқаноқнинг оғир тури билан оғришини, бу касалликдаги шахслар қаттиқ тартибли қамокхона шароитида тутиб турилиши мумкин эмаслиги баён этилди.

Мурожаат бесамар кетмади. Маҳкум зудлик билан Навоийдан Тошкентга 64/

18-сонли даволаш муассасасига кўчирилди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси Андижон вилоят бўлими аъзолари шу билан чекланиб қолмадилар. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 6-моддасида “Ҳар бир инсон қарерда бўлишидан қатъи назар, ўзининг ҳуқуқли субъект сифатида тан олинишига ҳақли” деб бежизга белгиланмаган! Маҳкумнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши учун тегишли барча тиббий ва ҳуқуқий ҳужжатларни жамладилар. Қ.Сўфиевнинг фуқаролик ҳақ-ҳуқуқи ҳимоя қилиниши тўла таъминлаш мақсадида унга жамоат ҳимоячиси тайинланиб, вакил сифатида жазони ижро этиш муассасасига юборилди. Жамоат ҳимоячиси маҳкумнинг мазкур касаллик билан оғриб келаятигани, бу қабилдаги касаллик билан оғриган фуқаролар қамокхона шароитида тутиб турилиши мумкинми ёки мумкин эмаслигини узил-кесил ҳал этилиши лозимлигини талаб қилиб, жазони ижро этаётган Қулматжон Сўфиев руҳий-тиббий экспертизадан ўтказилишини ва руҳий соғлиқни сақлаш муассасасига қайтарилишини сўраб судга ариза билан мурожаат қилди. Маҳкумга суд тиббий экспертизаси тайинланди ва ҳозирда тиббий куза-

тув давом эттирилмоқда.

Бундай мисолларни Андижон вилоятидаги нодавлат нотижорат жамоат бирлашмалари фаолиятидан кўплаб келтириш мумкин. Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки қада-мидаёқ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини тан олган ва қўшилган давлатдир. Аъзо бўлган давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ялпи ҳурмат қилиш ва унга риоя қилишга қўмаклашиш мажбуриятини олади.

Инсон ҳуқуқларини миллий қадрият даражасига кўтариш, мамлакатни кучли давлатдан адолатли жамиятга айлантиришда Ўзбекистоннинг БМТга аъзо бўлиб кириши ва декларацияга қўшилиши ўта муҳим эди. Чунки, инсон манфаатлари, унинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, тергов-суджараёнларида айблов билан ҳимоя ҳуқуқи тенглигини таъминлаш, жамиятда ўзгалар ҳуқуқига ҳурмат-эҳтиромда бўлиш қўنىкмаларини шакллантириш давлат органларининггина эмас, балки барча жамоатчиликнинг олий мақсадида айланмоғи лозим.

Муҳаммадқодир ОТАХОНОВ,
Андижон вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳуқуқшуноси

u cell компаниясида
1500 000 абонент

Ucell компаниясининг Ўзбекистондаги мижозлари сони 1 500 000га етди. Апрель-июн ойлари ичида ўсиш 500 000дан зиёдини ташкил қилиб, янги ном, янги стратегия, янги тарифлар ва янги маркетинг услублари компаниянинг янги мижозлар эътиборига тушишига сабаб бўлди.

— Бу бизнинг катта ютуғимиз, — деди Ucell компаниясининг бош директори жаноб Оғуз Мемиев. — Компаниямиз ўз мижозларини хурсанд қилиш учун янада янги ва қулай хизматлар таклиф қилишда давом этади.

Шу билан бирга, жаноб Мемиевнинг таъкидлашича, Ucell компанияси ўз олдида абонентларига юқори сифатли хизматлар кўрсатиш, арзон тариф режалари тақдим этиш, янада кўпроқ ҳудудлар қамровига эришиш каби мақсадларни қўйган.

Яна бир қутилаётган муҳим янгилик: GPRS ва EDGE хизматларини Ucell яқин вақтда оммавий қўлланишга киритади. Бу компаниянинг тармоғини технологик янгилаш натижасидир. Ушбу хизмат тўғрисидаги компания абонентлари турли имкониятларга эга бўладилар, булар орасида интернетга боғланиш, электрон почтадан фойдаланиш, мижоз жойлашган минтақа асосидаги хизматларни кўрсатиш мумкин.

Бундан аввалроқ Ucell компанияси янги CAMEL (Customised Applications for Mobile Enhanced Logic) роуминг хизмати ҳам бошлади. Ушбу хизматнинг афзал тарафи шун-

даки, чет элда саёҳатда бўлган prepaid тизими абонентлари доимий равишда шу вақтнинг ўзида уяли алоқага бўлган харажатларини текшириб олишлари мумкин. Ҳозирча бу хизмат фақат Ucellнинг Қозоғистон тармоғида ишлайди, лекин кейинчалик янада кўпроқ давлатлар бу хизмат доирасига қўшиллади.

Ucell 1 000 000 мижозлар сонига жорий йилнинг апрел ойида эришди, бу эса 2007 йилнинг шу вақтига нисбатан икки баробардан ортиқ абонентлар компанияга қўшилди, деганидир.

Ucell 2008 йилнинг охиригача мижозлари сонини 2 миллионга етказишни режалаштирган. Бунинг учун инновацион технологиялар киритилади, қамров ҳудудлари ва техник салоҳияти кенгайтирилади. Таклиф қилинган янги хизматлар уяли телефон орқали контент қабул қилиш, видеосўхбатлар, интернетга алоқа ва ахборот алмашиш каби имкониятларни беради.

Бехзод РАХМАТОВ,
Ucell компаниясининг PR менежери

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қашқадарё филиалида ёшларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг моддий таъминоти масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Филиалда Президентимизнинг “Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан уй-жой сотиб олиш ва қуришлари учун имтиёзли кредит олишларига қўмаклашиш мақсадидаги ишлар ҳам асосий эътибордалиги билан аҳамиятлидир.

Доимо эътиборда

Филиалимиз хўжалик ишлари мудир Баҳром Дўстқурбонов ғайратли ёшлардан. У 1981 йилда Ғузор туманида туғилган. Ғузор иқтисодиёт коллежини тамомлаб, филиалимизга ишга келган эди. Дастлаб почта кузатувчиси сифатида меҳнат қилди. Кўп ўтмай хўжалик ишлари мудир вазифасига ўтказилди. Иқтисодчи эмасми, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖдан келган товар-моддий бойликларни филиал почта алоқаси тармоқларига тақсимлашга масъулият билан ёндашади. Зарур жиҳозларни ўз вақтида етказишга ҳаракат қилади. Баҳром яқин кунларда ўзининг бахт оstonасини ҳатлаш арафасида. Шу боис у жорий йилда филиалнинг бир миллион сўмлик фои-

2008-YIL —
YOSHLAR YILI

сиз ссудасини олди. Олган ссудасига у янги оила қуриш, маиший эҳтиёжларини қондириш мақсадида уй-жиҳозлари, рўзгор буюмлари харид қилди. Филиалимиз директори С.Ҳафизовнинг саяё-ҳаракатлари, ёшларга алоҳида эътибори ва ғамхўрликлари боис фои-сиз ссуда олаётганлар сафи кенгаймоқда.

Ёшлар йили муносабати билан филиалимизда манзилий чоратадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳимоялаш, му-

аммоларини ўрганиш, уларнинг салоҳияти ва имкониятини юзага чиқариш масалаларига эътибор янада кучайтирилган.

Филиалимиз ёш мутахассислар билан шаклланиб бормоқда. Жорий йилнинг ҳозирги даврига қадар бир неча ана шундай мутахассислар моддий жиҳатдан рағбатлантирилди. Ҳозирда корхона ёшларининг оилавий шароитлари билан яқиндан танишиш мақсадида тузилган ишчи гуруҳимиз уларнинг хонадонларида бўлишмоқда.

Ҳар ойнинг сўнгги шанбаси филиалимизда Ёшлар кўни сифатида нишонланади. Унда ёшлар ўз муаммоларини ўртага ташлайдилар ва улар шу ернинг ўзида бартараф этилади.

Филиалимизда ёшлар масаласи, уларнинг ҳар томонлама камол топиши, имкониятларини юзага чиқариш, салоҳиятлари ва билимларини қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда бўлиб қолаверади.

Шукрулло ЖАЛИЛОВ,
“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ
Қашқадарё филиали
назорат ишлари бўйича бош
мутахассиси

SONA FIDOYILARI

Маҳалламиздаги Пирма-товлар хонадонига борганимда оила аъзолари ўзгача ҳис-ҳаяжон ва қувонч билан қўтиб олишди. Холби опа эса сабрсизлик қилиб, “Ўғлимдан хат олиб келдингизми?” деб қолди. Уларга аскар мактубини тутқаздим. Нурмурад муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун Тошкентга жойлашганини билдириб, барчага салом йўллабди. Хат ўқилган сари она кўзларида қувонч ва соғинч ёшлари пайдо бўлди. Оилага орзиқиб қўтилган хабарни етказар эканман, яна бир бор касбим билан фахрланиб қўйдим.

Уларни қўттириб қўймаймиз

Умуман олганда, хизматимиз кўнгилларни обод айлаш билан боғлиқ десам хато бўлмайди. Фарзанди аскарликда ёки ўқишда бўлган оилалар қатори пенсионер ва ногиронлар ҳам ташриффимиздан шодланишади. Холмурад Жўраев маҳалласида 1-гурӯх ногиронлари — Абдусамат Тиловов ҳамда Бехруз Ориповлар истиқомат қилишмоқда. Кўзи ожиз бу кишилар ой охирида йилверганда қарангза тақилласа уйдагиларга “Қарангза, почтачи келди” деб айтишар экан. Бу интиқлик маънисини тушуниш қийин эмас. Гоҳида бизга боғлиқ бўлмаган сабаблар билан пенсия, нафақа пуллари ўз вақтида етказиб берилмаса “Почтачи, бизни нега соғинтириб қўйдингиз? Тинчликми ўзи?” деган саволлар кўпайиб қолади. Шундай ҳолатларда уларни ортиқча ҳадикланмасликка чорлайман.

Ҳа, хабарчи гали келганда тартиботчи-тарбиячи ҳам бўлиши керак. Агар у вазифам фақат хат-хабар ва пенсия тарқатиш деб қараса адашади. Соҳамизда узоқ муддат ишлай олмаётган баъзи собиқ ҳамкасбларим мағлубиятининг сири балки шундадир?! Мен эса фаолиятимга ҳар томонлама ёндашаётганим учун ҳам қарийб 20 йилдан буён ишончини оқлаб келяпман. Бунинг учун тўқсон ёшли отам Юсуфбобо Холмуродовдан миннатдорман. Иккинчи Жаҳон урушининг 1-гурӯх ногирони, халқ таълими соҳаси фахрийси бўлган табаррук инсондан бебаҳо фазилатларни ўзлаштириб олганман. Отам доимо “Ўғлим, элга хизмат қилаётган экансан, яхшига ҳам, ёмонга ҳам яхши бўл!” деб насихат қилиб туради. Маслаҳатга мос амалий ҳамкасблар орасидаги ўрнимни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Севимли соҳамизда бошланган ислохотлардан умидим катта. Яқин келажақда биз ҳам кенг қўламада олиб борилаётган замонавийлаштириш имкониятларидан фойдаланиб, элга бундан-да яхшироқ хизмат кўрсатамиз.

Эргаш ХОЛМУРОДОВ,
Музработ почта алоқаси
тармоғи хабарчиси

ТО‘УХАТ

Ансатбой Жолдасбаевни Хоразм вилояти почта алоқаси соҳаси ходимлари жуда яхши билишади. У киши узлуксиз 50 йил давомида вилоят почта соҳасида хизмат қилиб келмоқда. Тиниб-тинчимас соҳа фидойиси август ойида кутлуг 70 ёшини қаршिलाди.

Ҳорманг, Ансатбой оға!

Меҳнат фаолиятини 1958 йил август ойида Урганч шаҳрининг “Чалиш” алоқа бўлимида почта таркатувчи вазифасидан бошлаган Ансатбой оға 1960 йилдан Урганч шаҳар почта алоқаси оператори, 1962 йилдан районлараро почта алоқаси йўриқчиси, 1964 йилдан Хива туман алоқа боғламаси бошлиғи ўринбосари, 1971 йилдан Урганч шаҳар почта боғламасида почта жўнатмаларини саралаш, етказиб бериш бўлими бошлиғи, 1977 йилдан Урганч шаҳар бош почтаменти бошлиқ ўринбосари ва 1993 йилдан бугунга қадар “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Хоразм филиали почта алоқасини ташкиллаштириш бўлими мутахассиси вазифаларида давом эттириб келяпти.

— 1958-1960 йилларда почта алоқаси бу даражада ривожланмаган, қишлоқ жойларига даврий наشر, хат-хабарларни етказиш учун от, эшаклардан фойдаланар эдик, вилоят марказидан туман марказларигача почта ҳафтада икки мартаба етказилар эди. Ҳар қишлоқда 15-20та пенсия олувчи, улар ҳам Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари бўлар эди. Яратганга минг қатла шукри, республикамиз мустақилликка эришди ва почта алоқасига бўлган эътибор кучайди, — дейди биз билан суҳбатда Ансатбой оға.

Ҳақиқатан ҳам, отахонимиз айтганларидек, бугунги кунда почта алоқасида миҳозларга хизмат кўрсатиш маданияти, сифати ошди, вилоятга эрталаб авиарейслар орқали почта етказилиб, шу кунгидеяк автомобилларда туман ва қишлоқ алоқа бўлимларига етказиб берилмоқда.

Почта соҳасининг жонқур мутахассиси Ансатбой Жолдасбаевнинг ҳаёт йўли кўпчилик учун ўрнак. Унинг меҳнатлари ҳам муносиб баҳоланиб, 2001 йили Агентликнинг “Фахрий ёрлиғи”, 2006 йили “Мустақилликнинг 15 йиллиғи” кўкрак нишонини билан тақдирланди.

Яқинда почта соҳасида хизмат қилаётганининг 50 йиллигини ва таваллудининг 70 йиллигини нишонлаш арафасида турган Ансатбой Жолдасбаевга узоқ умр, сиҳат саломатлик, фарзанд ва неваралари бахтини кўриб юришини тилаб “Ҳорманг, оға!” деймиз.

А.БЕКНАЗАРОВ
Хоразм вилояти

Устоз кўрган устоз

Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар ўз севган касбида бир умр меҳнат қилиб обрў-эътибор топишади. Агар иш фаолиятини бундан ўттиз етти йил илгари бошлаб, ҳозир ҳам эл манфаати йўлида самарали фаолият кўрсатётганини ҳисобга олсак, Игор Самуилович Гузмани ҳам ана шундай инсонлар сирасига қўшиш мумкин. У киши бутун умрини алоқа соҳасига бахшида этди.

Игор Самуилович 1948 йили Тошкент шаҳрида туғилган. У ўрта мактабдан сўнг 1966 йили Тошкент электротехника алоқа институтига ўқишга кирди. Институтнинг кўп каналли электралоқа факултетини 1971 йили тугатиб, электралоқа муҳандиси ихтисослигини олди. Шундан сўнг И.Гузман 10-кабели-радиорелели магистраллар бошқармасининг ишлаб чиқариш лабораториясида муҳандис вазифасида иш бошлади. Ўз ишига пухта, тиришқоқ ёш муҳандисни катта муҳандислик даражасига кўтаришди. У бу вазифада 11 йил ишлади. Айни шу вақт оралиғида ўз даврининг йирик мутахассиси, кўп йиллар ишлаб чиқариш лабораториясининг бошлиғи бўлиб ишлаган Анатолий Воробёвдан алоқа техникасининг сирасорларини чуқур ўрганди. Институтда олган билимларини мустаҳкамлади. Ишга чанқоқ, ҳаракатчан Игор Гузман 1988 йилдан кабел магистраллари техник эксплуатациясини ташкил қилиш хизмати етакчи муҳандиси, бўлим бошлиғи ўринбосари лавозимларида фаолият юритди. Унга бу даврда Ефим Галперин устозлик қилди.

И.Гузман 1994 йили Шаҳарлараро алоқа ва телевидение худудий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош муҳандиси лавозимига тайинланди. Корхона 2001 йили “Ўзбектелеком” АКнинг “Шаҳарлараро алоқа корхонаси” филиалига айлантирилган. И.Гузман ушбу филиал директорининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди. У ҳозиргача шу лавозимда самарали фаолият юритиб келмоқда.

Тажрибали раҳбар меҳнат фаолияти давомида Транс-Осиё-Европа оптик толали алоқа линиясининг республикамиз ҳудудидаги тармоғини ҳамда Япониянинг “OECF” ва “JBIC”, Хитойнинг “СДВ” лойиҳаларида ҳамда бирламчи магистрал тармоғини кенгайтириш ва замонавийлаштириш ишларига ўз хиссасини қўшди ва қўшиб келмоқда.

Игор Самуилович нафақат раҳбар, тажрибали муҳандис, балки ёш мутахассисларга мураббий ҳамдир. У қўллаб-қўллаган тейёрлади. Муҳандислар В.Катков, О.Лисанский, А.Седельников, Р.Ботиров, Э.Топоев ва бошқалар унинг шогирдлари ҳисобланишади.

Яқинда ҳамкасбимиз Игор Гузман 60 ёшга тўлди. Биз ҳамкасблар у кишини ана шу табаррук ёш билан чин қалбдан табриклаймиз.

“Шаҳарлараро алоқа корхонаси”
филиали жамоаси

18 июля 2008 года в Центре UZINFOCOM состоялся семинар на тему «Роль и значение информационно-коммуникационных технологий в государственном управлении» для представителей областных хокимиятов Республики.

Семинар организован Узбекским агентством связи и информатизации, Центром UZINFOCOM и проектом «Политика ИКТ» ПРООН.

Целью мероприятия является усовершенствование навыков государственных служащих по применению ИКТ в государственном управлении, а также повышение осведомленности служащих областных хокимиятов по различным направлениям и мировым тенденциям, получение навыков в рамках реальных проектов, направленных на построение электронного правительства в Узбекистане, а также обмен опытом между участниками курса.


На открытии с приветственным словом к участникам обратились заместитель Генерального директора Узбекского агентства связи и информатизации А.Ходжаев и директор Центра

Вниманию участников специалисты Центра UZINFOCOM представили такие презентации как: ИКТ в государственном управлении, современное состояние и перспективы развития Правитель-

ны вопросы основ компьютерных технологий, электронного документооборота и автоматизации делопроизводства, темпах развития внедрения ИКТ в государственном секторе, а также решения компании Microsoft для государственных организаций и другие.

Особое внимание было уделено состоянию официальных веб-сайтов областных хокимиятов. Сотрудники группы информаци-

ОБСУЖДЕНЫ ВОПРОСЫ РОЛИ И ЗНАЧЕНИЕ ИКТ В ГОСУДАРСТВЕННОМ УПРАВЛЕНИИ



UZINFOCOM Ж.Рахимов. Было отмечено, что данный семинар поможет слушателям раскрыть возможности и перспективы развития электронного правительства наряду с преимуществами, связанными с внедрением ИКТ в Узбекистане.

ственного портала Gov.uz, единая платформа информационного обеспечения предприятия на базе технологии MS SharePoint, эффективное внедрение и применение электронной цифровой подписи.

В ходе семинара были обсужде-

онного обеспечения и развития Правительственного портала при Центре UZINFOCOM рассказали представителям хокимиятов об имеющихся в данном направлении проблемах и поделились своими идеями по их решению.

www.aci.uz

НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ



LG УВЕЛИЧИЛА ПРИБЫЛЬ НА 84%

Южнокорейская LG Electronics Inc. увеличила прибыль во II квартале 2008 года на 84%. Такой скачок прибыли связан с ростом продаж мобильных телефонов на 45%.

Чистая прибыль компании во втором квартале увеличилась на 84% — до 706,9 миллиарда вон (695 миллионов долларов) — по сравнению с 384,6 миллиарда вон за аналогичный период прошлого года. Выручка компании выросла на 22,5% — до 7,23 триллиона вон.

Продажи мобильных телефонов LG, так же как и у Nokia, превосходили ожидания экспертов, которые прогнозировали, что рост показателя продаж замедлится на фоне ослабления мировой экономики. Чистая прибыль от производства мобильных телефонов, на которое пришлось 38% от выручки в прошлом году, удвоилась, и составила 547,3 миллиарда вон.

САМЫЙ ЭКОНОМИЧНЫЙ КОМПЬЮТЕР



Компания CherryPal представила самый энергоэффективный настольный компьютер в мире, сообщает PC World. Энергопотребление CherryPal C100 составляет два ватта, что на 97 процентов меньше аналогичного показателя обыкновенного ПК.

Добиться столь низкого энергопотребления удалось благодаря отсутствию внутри десктопа подвижных частей. Кроме того, внутри компьютера установлено на 80 процентов меньше компонентов, чем в обычных десктопах. Вес CherryPal C100 составляет 300 граммов.

Внутри CherryPal C100 установлен процессор Freescale 5121E, работающий с частотой 400 мегагерц. Объем оперативной памяти компьютера составляет 256 мегабайт. Жесткий диск CherryPal C100 заменяют четыре гигабайта флэш-памяти. Дополнительно всем покупателям десктопа компания CherryPal бесплатно предоставит доступ в 50-гигабайтное онлайн-хранилище данных.

На корпусе CherryPal C100 находятся два порта USB, VGA-разъем для монитора и аудиовыход. Для подключения к интернету можно использовать как порт Ethernet, так и беспроводную сеть Wi-Fi.

Из программного обеспечения на компьютер предоставлены лишь операционная система Debian Linux, офисный пакет OpenOffice.org и браузер Firefox. Предназначен CherryPal C100 для работы с онлайн-приложениями.

КУТАЙСКИЙ КЛОН IPHONE

Китайская компания Meizu представит коммуникатор M8 в августе текущего года. В продажу Meizu M8 поступит осенью. Главной особенностью устройства является то, что внешне оно практически полностью повторяет Apple iPhone.

Представители Meizu подчеркнули, что, возможно, в августе будет не только представлен коммуникатор, но и поступит в продажу его базовая версия со 128 мегабайтами оперативной памяти.

Meizu M8 с 256 мегабайтами оперативной памяти и восемью гигабайтами флэш-памяти будет стоить 320 долларов. В продажу данный коммуникатор поступит в октябре текущего года.



АРМЕНИЯ ПРИГЛАСИЛА ТРЕТЬЕГО GSM-ОПЕРАТОРА

Комиссия по регулированию общественных услуг Армении объявила международный тендер на получение лицензии и радиочастот для деятельности третьего оператора мобильной связи.

В соответствии с условиями тендера минимальный капитал компании — участника международного тендера должен составлять 10 млн. евро. Чтобы подать заявку на участие в тендере, компания-соискатель должна заплатить 10 тыс. евро. В течение 45 дней после объявления участников тендера (29 июля) комиссия будет рассматривать заявки. Лицензия выдается сроком на 15 лет.

Спустя 90 дней после 29 июля комиссия объявит победителя международного тендера. По условиям получения третьей GSM-лицензии выигравшая компания должна в течение двух лет инвестировать в строительство и развитие сети 200 млн. евро.

Помимо услуг стандарта GSM третий оператор также сможет предоставлять услуги 3G.

В данный момент в Армении услуги мобильной связи оказывают «АрменТел» (100%-ная «дочка» российской компании «ВымпелКом») и «К-Телеком» (торговая марка VivaCell), 80% акций которой принадлежит российскому оператору «Мобильные Теле-Системы» (МТС).



АФОРИЗМ

НЕ БЫЛ БЫ ТЫ МОТЫЛЕК ЛЮБОВЬЮ ОПЬЯНЕН,
ТО, ВЕРНО, НА ОГОНЬ НЕ ПОЛЕТЕЛ БЫ ОН.

Алишер НАВОЙ

Хабар +tv

ОЗБОДИСТОН

5.55 Курсатилар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
7.00 «Илим».
7.05 «Йил тақдир» Т/с.
7.45 «Дилқуш наволар».
8.00-8.40 «Ташталам».
8.45 «Оттин мерос».
8.50 «Изир».
8.55 «Юртм бўйлаб» дастури: «Евасий табиат тиллолари».
«Бонлар сайраган».
9.10 «Бонлар дўси».
9.30 «Матилда» Б/ф.
11.00 «Аборт».
11.10 «Батанлар».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
12.50 «Илим».
13.00 «Урқуш» В/ф.
14.00 «Аборт».
14.20 «Оттин мерос».
14.25 «Отам ва одам» дастури: «Француз кўчалари».
15.15 «КиноТашт».
15.40 «Денгизда токи».
16.15 «Имом ат-Термизий» Хужафий фильм.
16.55 2008 йил — Ёшлар йили. «Канопот оқсоқол».
17.00 «Аборт».
17.15 «Оттин мерос».
17.20 «Юртм бўйлаб» дастури: «Тупроқдаги муҳаббат».
«Бонлар сайраган».
17.40 «Эрталаб» - шашликка етаклар.
18.00 «Сингир адвокат».
18.05 «Урм маънавлари» Т/с.
18.45 «Бир кун».
19.10 ТВ шифорас.
19.15 «Сингир адвокат».
19.25 19.55 20.55 Эфирлар.
19.30 «Аборт» Т/с.
20.05 «Оттин мерос».
20.10 «Хайт сингилар» Т/с.
21.00 «Аборт».
21.30 «Муҳаббат қадамлари».
21.50 «Муҳаббат ва эҳтирос» Т/с.
22.55 «Илим».
23.00 «Қўшмисан, муҳаббат» /SMS/.
23.15 «Йил тақдир» Т/с.
23.55 00.05 Тўғин наволар.
«Ўзбекистан».
00.05 Курсатилар дастури.
00.10 «Аборт».
00.40 «Имом ат-Термизий» Фильм.
01.00 «Аборт» Т/с.
01.30 «Батанлар».
02.20 «Немисон сирлари».
02.40 «Муҳаббат қадамлари».
03.00 «Урқуш» В/ф.
04.00 «Аборт».
04.30 «Мен бир рақиб».
04.35 «Оттин мерос».
04.45 «Қудрий ва асқоний Мерилон» (инг) .
05.05 «Урм маънавлари» Т/с.
05.45 05.55 Тўғин наволар.



16.55 «Батан мерос».
17.00 «Еш оилага элтибор».
17.15 «Тўй либослари».
17.30 «Надосат оғили».
17.40 «Она» Ташталам.
17.45 «Матилда».
18.00 «ЎзБХ хабарлари».
18.05 «Шарқ тиллари».
18.10 «Навис» Т/с.
18.40 «Илим» мерос.
18.55 «17 йилг муҳаббат».
19.00 «Дар».
19.30 «Моя оқилом» Т/с.
20.10 «Теуридон наслига».
20.15 «Калмак ағалари».
20.25 «ТВ-Бел».

ДУШАНБА — 28 ИЮЛ

20.35 «Тошкент-2200».
20.40 «Ёшлар итосим».
21.00 «Тошкент оқилом».
21.05 «ЎзБХ хабарлари».
21.10 «Жуан» Т/с.
21.50 «Телетўй».
21.55 «Хайт кўраш».
22.00 «Дар».
22.30 «Истиқлол савати».
22.35 «SMS-муҳаббат».
23.00 «Сингилар» Т/с.
23.35 «Хайт кўраш».

ПРОГРАММА

17.30 Курсатилар тартиби.
17.55 Мультифилм «Дангиз итлари» 4-кит.
18.05 21.50 «Телехуш» - маркет.
18.25 «Белосол».
18.30 «Полиат».
18.50 «Сомари» Т/с.
19.20 «ТВ юрост».
19.25 «Муҳаббат SMS».
19.50 «Сомари» Т/с.
20.00 «Полиат» Т/с.
20.15 «ТВ юрост» Т/с.
20.20 «Мингасор» Т/с.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жуан».
21.30 «Полиат».
21.45 «Ушлар».
22.10 «Ал калби».
22.30 «Полиат» Т/с.
22.45 «Кино SMS со ақидани».
22.50-00.20 Х/ф «Улж элтибор».

SPORT

7.00 «Бонлар ур».
8.00 «Тален».
8.25 «Малюк».
9.15 «Бонлар».
10.00 «Морос» - Сериял.
10.50-11.20 Велоспорт Тур де Франс.
18.00 Мультифилм.
18.15 «Тел-а-тел».
18.30 «Хабарлар» (рус тил)
18.50 «Жуан».
19.40 «История Олимпиады» иер. Москва 1980.
20.50 «Механизм» «Барселона».
21.20 «Бонлар рево».
21.30 «Хабарлар» (узб. тил)
21.50 «Формула-1» Германия Гран-при.
22.40 На экране детектив «Три» Х/ф.
00.10 «Туғини оудра бунис».

БИРИНЧИ

4.00 8.05 Телеканал «Доброе утро»
8.00 11.00 14.00 Новости
8.25 «Малюк»
9.25 «Малюк»
10.25 «Контрольная закупка»
11.25 «Агент национальной безопасности» Т/с.
12.25 «Детские»
13.00 «Дружные новости»
13.25 «Почти Простые»
14.15 «Огонь любви» М/с.
15.10 Премьера: «Давид похитили»
16.00 «Федеральный судья»
17.00 «Вечерние новости»
17.10 «Жуан»
18.05 «Слад»
18.50 «Мониторинг» М/с.
20.00 «Вояж»
20.30 М/с: «Что ты сторону возмек»
21.35 «На ночь глядя»
22.20 «Офис»

22.45 «Семь поклянутый рок-ролл»
0.30 «Проклянутый фильм»
«Байра»
1.35 «Трилер «Слад»

РОССИЯ

4.00 «Доброе утро, Россия»
7.50 Х/ф «Плещастие во алобности»
9.45 16.50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
10.00 13.00 16.00 19.00 ВЕСТИ
10.25 13.20 16.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ
ВЕСТИ-МОСКВА
10.45 Т/с «Старые дела»
11.45 Роман «Вечный эв»
12.50 «Малюк из дворца пингвинов» М/ф.
13.40 Т/с «Взрослые игры»
14.35 «Суд нит»
15.30 «Клуб» и «Партнер»
17.05 «Жизнь без прошлого» Т/с.
18.00 «Родные люди» Т/с.
19.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКОВСКАЯ ОБЛАСТЬ.
19.50 «Спокойной ночи, малыши»
20.00 Т/с «Колдовская любовь»
21.00 Приключенческий фильм «Каварот Давид»
23.05 Зарыте Мелодрама конкурс молодых исполнителей «Новая волна-2008»
1.50 «ВЕСТИ»
2.05 «Дорожный патруль»

НТВ

05.00 «Сегодня утром».
07.05 «Сегодня вечером».
08.00 Т/с «Аэропорт 2»
09.00 12.00 15.00 18.00 21.40 «Сегодня»
09.25 Д/ф «Нахаживание. Русская программа иера и талан»
10.00 «Кулинарный повар»
11.00 «Космический вопрос»
12.30 Т/с «Дорожный патруль»
14.30 17.30 «Космическое происшествие. Обзор»
15.30 Т/с «Возвращение Мухомора»
18.40 Т/с «Скорая. Программа ушастый»
20.40 Т/с «Закон и порядок»
22.05 Т/с «Проклятый рай»
23.55 «Quintopole»
00.30 Х/ф «Влюблен по собственному желанию»
02.15 Т/с «Возвращение Мухомора»

КУЛЬТУРА

4.00 «ЕВРОНОВОС»
7.00 16.30 20.30 НОВОСТИ КУЛЬТУРЫ
7.20 «В ГЛАВНОЙ РОЛИ...» у Юлиана Макарова
7.40 Программа передач
7.50 Т/с «Музей золота. Богота»
8.20 «Энциклопедия. Балун» Х/ф.
10.00 ПИСЬМА ИЗ ПРОВИНЦИИ. Пособок Варнек.
10.25 «Шамбранский адмирал. Лев Казин»
11.05 «Олга Сергеевна» Т/с.
12.15 «Катеринальный собор в Шнейер. Церковь Саломеих иератор» Д/ф.
12.30 «Патриархальный летопись»
13.00 «Два Ветла в Иуде» Мультифилм.
13.20 «Амазонка возмек»
13.45 «Лето в зоопарке» Х/ф.
14.35 «Катеринальный. Тайна перчатого аэма» Т/с.
15.00 «Божественная комедия» Дале в музее, живописи и поэзии.
16.00 50 ЛЕТ АКТЕРУ. «Петербургские

посети Валерия Диненко»
16.50 «Среди пессов Древнего Египта» Т/с.
17.45 85 ЛЕТ ОО ДНЯ РОЖДЕНИЯ ВЛАДИМИРА БАКОВА, ОСТРОВА.
18.20 «Ташталам» Х/ф.
20.00 СЕКРЕТЫ ФИЗИКИ Сергей Вешанский.
20.50 ПРЕМЬЕРА В РОССИИ. «Питер Кингдэм» Х/ф.
21.40 ДЕКОТОЕ КИНО. Вне конкурса «Прыжок» Д/ф.
22.10 Музыкальный момент. В Моцарт Концерт №12 для фортепиано с оркестром. Солист Н.Мидонц. Директор К.Роклин.
22.35 Программа передач
22.40 «Среди пессов Древнего Египта» Т/с.
23.35 «Катеринальный собор в Шнейер. Церковь Саломеих иератор» Д/ф.

СТС

7.00 «ЗНА - КОРОЛЕВА ВОИНОВ» Т/с.
7.55 «Смешарики». Мультифилм.
8.00 11.30 18.00 Т/с «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ»
8.30 20.00 Т/с «ПАЛЫНИ ДОНЧИ»
9.00 «Рыбка» Мелодрама.
10.00 19.30 1.00 «Б каров»
10.30 Т/с «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
11.00 17.30 «Галилео»
12.30 «ДОЧКИ МАТЕРИ» Драма.
13.50 Т/с «ЛЮБА. ДЕТИ И ЗАВОД»
14.00 М/с.
17.00 «ТАИНСТВЕННЫЙ ПОРТАЛ» Т/с.
18.30 «ДОКТОР КТО» Т/с.
21.00 «Рыбка» Мелодрама.
22.00 «АТЛАНТИДА» Драма.
22.50 «Сини»
23.00 Х/ф «ГОРОДСКИЕ ЛЕГЕНДЫ»
1.30 «Слова богу, ты приходи!»

ТВ3

7.00 М/ф.
10.00 16.00 Т/с «БАЙРАК. ИСТРЕБИТЕЛЬНИЦА ВАМПИРОВ»
11.00 Х/ф «ДНИ РАЗРУШЕНИЙ»
13.00 Д/ф «Сини багит»
14.00 18.00 Т/с «АТЛАНТИДА»
15.00 «Мистика звезда»
17.00 «Уш»
19.00 0.40 Т/с «ЗА ГРАНЫ ВОЗМОЖНОГО»
20.00 Т/с «КОСТИ»
21.00 Д/ф «Тайные знаки. Семь смертей Александри»
22.00 Х/ф «ПОДРЕПЛЕНИЕ»
1.00 Х/ф «ИСПОЛНИТЕЛЬ ЖЕЛАНИЙ»

ТНТ

5.00 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНЕТ БИЧ» Теленовелла.
5.55 «Глобальные новости»
6.00 12.30 18.00 Ташт.
6.30 «Он уа эли детой» 86-я серия.
7.00 18.30 Москва: инструкция по применению.
7.30 «Необычно, но факт» «Зоны риска»
8.30 9.00 17.00 19.00 30
«СЧАСТЛИВЫЕ ВМЕСТЕ»
9.30 «САША + МАША». Комедия.
10.00 Т/с
13.00 «Женская лига»
13.30 20.00 22.40 2.35 «Дом-2»
14.15 «ПОБЕГ ИЗ ШОУШЕНКА»
17.30 «ГУМАНОВЫ В КОРОЛЕВЕ»
«ДЕРЖИ ВОРА!»
21.00 Комедия «ЗИГФИД»
23.10 «САША + МАША». Комедия.
23.40 «Комеди Клаб»
0.40 «ОХОТНИКИ»

ОТАВОНТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
«Горы, которые нас выбирают»
14.10 «Пехин-2008. Борота, открывающиеся на Востоке»
15.15 Современное пятиборье. ЧМ из Венгрии
16.20 02.05 «Футбол России. Перед туром»
16.55 22.55 Баскетбол. Товарищеский матч. ЦСКА - Литва
19.05 «Рубина» с Радзиевским
19.45 04.15 Футбол. Кубок Российских хоккейных дорожек. «Милан» (Италия) - «Севилья» (Испания)
21.05 ПБ. Вадим Токарев (Россия)
протисте Али Исмаилов (Азербайджан)
22.50 «Вести-спорт. Местное время»
00.50 Европейский покерный тур

02.40 «Пехин-2008. Борота, открывающиеся на Востоке»

Шабба

05.20 Баскетбол. Товарищеский матч
08.00 10.00 14.25 18.40 23.00 01.25
«Вести-спорт»
08.10 Пляжный волейбол
10.10 23.20 «Вести-спорт»
10.15 Футбол. Кубок Российских хоккейных дорожек. «Милан» (Италия) - «Севилья» (Испания)
12.30 Регби. «Кубок трех наций»
14.35 «Сборание Олимпийских спортсменов»
15.25 ПБ. Вадим Токарев (Россия)
протисте Али Исмаилов (Азербайджан)
16.30 03.45 Футбол. Кубок Российских хоккейных дорожек
18.55 Футбол. «Химки» (Химки) - «Динамо» (Москва)
21.00 Футбол «Томь» (Томск) - «Спартак» (Москва)
23.25 Футбол. «Кубок трех наций»
01.35 «Сборание Олимпийских спортсменов»

Якшанба

05.00 Регби. «Кубок трех наций»
05.20 «Сборание Олимпийских спортсменов»
08.00 10.00 13.45 19.40 22.00 00.55
«Вести-спорт»
08.10 01.05 Пляжный волейбол.
Чемпионат России
10.10 22.20 «Вести-спорт. Местное время»
10.15 «Страна спортсменов»
10.45 «Будь здоров!»
11.20 «Сборная России»
11.55 22.25 Баскетбол. Товарищеский матч. Россия - США
13.35 «Сборание Олимпийских спортсменов. Том 5. Наши победы»
14.45 «Золотые мгновения «Спорта»
Хоккей. ЧМ. Финал. Россия - Канада.
17.25 03.15 Футбол. Кубок Российских хоккейных дорожек
19.55 Футбол
00.20 «Сборная России»

JAHON POCHTASI YANGILIKLARI

НОМЛАР ВА РАҚАМЛАР ЎЗГАРАДИ

САУДИЯ АРАБИСТОНИ. Қиролликда ниҳоят хонадонларга хат-хабарларни етказиб бериш хизмати йўлга қўйиладиган бўлди. Модернизация жараёнига дастлаб Жидда шаҳрида киришилди — ҳар бир хонадонга почта қутилари ўрнатиб чиқилди.

Бу билан Саудия Арабистонида почта ишлари қоқоқ экан-да, дея хулоса чиқаришга асло шўшилманг. Бу ишлар 29 йил илгари бошланган эди, аммо кейинчалик баъзи бир сабабларга кўра тўхтатилган...

Ҳозир Жидда шаҳри маъмурияти почтачиларга қулай бўлиши учун кўчаларни номлаш ва уларни рақамлаш тизимини ўзгартиришни режалаштиряпти. Шунинг баробарида аҳоли орасида тушунтириш ишлари олиб бориляпти, мактабларда болалар кўча номлари ва уй рақамларидан фойдаланиб манзилни топишга ўргатилмоқда.



البريد السعودي
Saudi Post

БИЗНЕС КЕНГАЙТИРИЛАДИ



НИДЕРЛАНДИЯ. TNT Post мамлакатда қўшимча 750та янги савдо шохобчасини ишга тушириш арафасида. Айни пайтда бундай шохобчалар сони 1850та бўлиб, уларни кўпайтиришдан мақсад мижозларнинг уйларига яқин жойдан хат-хабар олиш ва жўнатишларига қулайлик яратишдир. Шунингдек, 550та янги савдо нуқтасида Postkantoren BV — почта банки хизматлари йўлга қўйилади.

СОТУВДА ПОЧТА БЎЛИМЛАРИ

ГЕРМАНИЯ. Хусусийлаштирилган миллий почта хизмати (Deutsche Post) юзлаб кичик почта бўлимларини иш ўринларини қисқартирмаган ҳолда бошқа компанияларга сотишга қарор қилди. Почта бўлимларини асосан супермаркет, нон ва газета дўконларига сотиш режалаштирилган. Янги ҳўжайинлар асосий фаолиятдан ташқари, аҳолига почта хизматларини ҳам тақдим этишади.



СИФАТ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА



ПОРТУГАЛИЯ. 2008 йилда Миллий почта хизмати (Correios de Portugal) мамлакатдаги мувофиқлаштирувчи ташкилот — Апасом томонидан қўйилган сифат бўйича талабларни ошириб уддалади. Почтани ўз вақтида етказишда 97,1 фоиз (мамлакат ичида) ва 99,2 фоиз (халқаро почта) натижаларга эришилди. Мижозларнинг 87 фоизи Correios de Portugalни энг ишончли почта брэнди сифатида эътироф этишган.

Апасом ташкилоти вакилининг айтишича, ўтган йили ҳар ўнинчи мижоз почта бўлимида 10 дақиқадан кўпроқ вақтини навбатини кутиш билан ўтказишга мажбур эди.

МОБИЛ ХИЗМАТЛАРНИНГ КЕЛАЖАГИ БОР

ПОЛША. Bank Pocztowy — Миллий почта хизмати бўлини маси ўз мижозлари учун мобил банкинг хизматини жорий этишга қизгин киришди. Янги хизмат мижозларга мобил телефонлари ёрдамида ўз ҳисоб-рақамларини бошқариш имконини бериб, унча катта бўлмаган тўловларни амалга оширишларида қўл келади.

Мазкур банк раҳбариятининг далолат беришича, бу хизмат Полша учун бутунлай янги хизматлар бозори ҳисобланади, шу боис Bank Pocztowy мамлакат ички банк хизматлари бозорида етакчилар сафига чиқиб олиши мумкин.



ВЕТНАМ ВА ФРАНЦИЯ ҲАМКОРЛИК ҚИЛАДИ



ВЕТНАМ. Мамлакат почта корпорацияси ва La Poste (Франция почтаси) компаниялар гуруҳи Ветнамда реклама фаолияти билан шўғулланувчи Post Media Company қўшма корхонасини тузишди. Агарда корхона фаолияти муваффақиятли чиқса, томонлар унинг фаолият доирасини яна ҳам кенгайтиришмоқчи. Булар жумласига почта хизмати орқали молия, суғурта ва банк хизматларини кўрсатиш қиради. Бундан ташқари, электрон пул ўтказиш тизимини ривожлантириш ва Ветнамни Франция ва Европадаги халқаро тармоқлар билан боғлаш ҳам режага киритилган.

АЛОҚА ОЛАМИДА

ИНТЕРНЕТ — УНИВЕРСАЛ ВА ҲАММАБОП ВОСИТА

IDC компанияси тадқиқотларига қараганда, 2012 йилга бориб сайёраимиз аҳолисининг учдан бир қисмига яқини — тахминан 1,9 миллиард киши интернетдан мунтазам фойдаланадиган бўлади. Мутахассислар бу ҳолатни мобил интернет мижозлари сони тобора кўпайиб бораётганлиги билан изоҳлашган.

"Глобал тармоқнинг ўта универсаллиги ва ҳамма учун очиқлиги унинг оммабоплигини таъминляпти. Кишиларнинг шахсий ва меҳнат фаолиятида бу айнқиқса яққол сезиляпти — улар ўзларига иш топиш, вақтларини кўнгилли ўтказиш ҳамда дунёнинг исталган нуқтаси билан мулоқот қилишда интернетни маъқул кўришмоқда. Бу каби ҳолатлар мобил фойдаланувчилар сонининг юқори суръатларда ошиши-ю, интернет учун янада кенг йўл очилишининг асл сабабларидир", — дейди IDC бош илмий ходими Жон Гантц.

ТЕЛЕФОН ЭГАСИ КИМ?

Шри-Ланка ҳукумати янги қонун лойиҳасини тасдиқлаш учун овозга қўймоқчи. Унга кўра, мобил телефон фойдаланувчилари ўзлари билан телефон эгаси эканликларини тасдиқловчи сертификат олиб юришлари шарт. Бу телефонни яқин қон-қариндошларга, дўстларга бериш мумкин эмас — ундан фақат ва фақат эгасигина фойдаланиши мумкин.

Хўш, ҳукумат нега бундай кескин чорага келди?

Маълум қилинишича, бу ишлар террорчиликка чек қўйиш ва миллий хавфсизлик нуқтаи назаридан амалга ошириляпти. Сўнгги маълумотларга қараганда, ҳозир мамлакатда фақат GSM тармоғи абонентларининг ўзи 8,5 миллиондан ошади.

Янги қонун CDMA стандартида ишловчи стационар телефон эгаларига ҳам тааллуқли. Бу телефон аппаратларидан фақат улар "рўйхатга қўйилган" жойда фойдаланиш қатъий белгиланган.

SONY ERICSSON — ЭНГ "ЯШИЛ" КОМПАНИЯ

Sony Ericsson ҳар қанча фахрланса арзийди, ахир бу ерда "яшил" дегани асло ёш ва тажрибасиз маъносида қўлланган эмас. Швед-япон компанияси бу шарафга Greenest Electronics Award 2008 танлови якунига кўра халқаро Greenpeace ташкилоти томонидан лойиқ кўрилди.

Экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида компания Microsoft, Samsung, Nokia, Apple ва Philips сингари донгдор компанияларни ортда қолдириб кетди. Sony Ericsson телефонлари таркибида поливинилхлорид ва шунга ўхшаш хавфли кимёвий қўшилмалар йўқ, бундан ташқари, унинг бошқа маҳсулотлари ҳам Energy Star электр қувватини тежаш стандартига мувофиқ келаркан.

VISTA ва XP — КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ...

Microsoft компаниясининг маълумот беришича, Windows Vista расман чиқарилган 2007 йилнинг январидан буён мазкур амалиётлар тизимининг 180 миллион лицензияланган нусхаси сотилган.

Шунга қарамасдан, бу тизимга талаб ошганлиги тўғрисидаги баланларвоз гапларга таҳлилчи мутахассислар шубҳа билан қарашмоқда. Айниқса, корпоратив мижозларнинг қанча қисми Vistaдан воз кечиб яна Windows XPга «қайтганлиги» тўғрисида Microsoft маълумот бермаганлиги ҳар хил гап-сўзларнинг кўпайишига сабаб бўляпти.

TATU FILIALLARIDA

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фаргона филиали ўқув биносидида битирувчиларга диплом топишириш маросими бўлиб ўтди.

Диплом муборак, ёшлар!


— 2007-2008 ўқув йилида университетимизнинг бакалаврият босқичини 154 нафар талаба тамомлади, — деди табрик сўзида филиал директори, профессор Р.Тешабоев. — Уларнинг 61 нафари давлат гранти, 93 нафари тўлов-шартнома асосида тахсил олишди. Битирувчиларнинг 73 нафари — Андижон, 51 нафари — Фаргона, 29 нафари эса Наманган ва бошқа вилоятлардан таълим олиш мақсадида келган ёшлар эди. Улар ўқиш давомида бир-бирлари билан дўстлашиб, бир оила аъзоларидек иноқ бўлиб кетишди, талабалик даври машаққатларини бирга енгишиб, бутунгун қўлтуғи дамларга етиб келишди.

Нотиқ ўқув-тарбия жараёни давомида катта муваффақиятларни қўлга киритган ҳамда имтиёзли диплом олишга муяссар бўлган Элдор Фозилов, Гулмира Жўраева, Олга Попова, Нодир Аҳаджонов, Ҳаким Ирискулов сингари фаол талабалар номини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Худди шунингдек, магистратура босқичини икки йўналиш бўйича 15 нафар магистр муваффақиятли тамомлади. Битирувчилардан Гулнора Рўзиматова, Алла Гришина, Ислон Жўраевлар қўлга киритган юксак муваффақиятлари учун филиал ўқитувчилари сафига қабул қилиндилар. Энди улар устозлари билан

ёнма-ён илмий-педагогик фаолият олиб боришади.

— Мен, аввало, республикамиздаги энг нуфузли университетлардан бирида тахсил олиб, унинг дипломига эга бўлганимдан бахтиёрман, — дейди иқтидорли битирувчи Элдор Фозилов. — Қуни кеча Фаргона вилояти молия бошқармасига ишга қабул қилиндим. Бироқ катта орзулар хали



олдинда. Масалан, миллий армиямиз сафларида хизмат қилиб, сўнг магистратура бўлимида ўқишимни давом эттирмоқчиман.

Магистр Ислон Жўраевнинг келажакда дахлдор режалари янада ўзгача. Ислонбек "Компютер графикаси ва дизайн йўналишининг замонавий дастурлаш тиллари ёрдамида услубларини яратиш" мавзу-

сидаги магистрлик илмий-тадқиқотини доцент М.Жалилов илмий раҳбарлигида муваффақиятли ҳимоя қилди. Энди у устозлари каби илмий-педагогик фаолият билан шуғулланиш, шунингдек, хорижий мамлакатлар ва республика давлат грантларида иштирок этиш ниятида.

Маросимда сўзга чиққан ота-оналар вакили — Қўқон шаҳридаги 31-мактаб директори Зумрадхон Назирова, "Табиий фанлар" кафедраси мудири доцент Комил Акбаровлар талабаларнинг етук мутахассис кадрлар бўлиб етишмишларига катта ҳисса қўшган филиал профессор-ўқитувчиларига самимий миннатдорчиликларини изҳор қилдилар.

Орзуга айб йўқ, дейдилар. Яқин келажакда битирувчи талабалар қалбидagi ойдin орзуларининг, албатта, рўёбга чиқишига ишонамиз.

Набижон СОЛИЕВ,
TATU Фаргона филиали
доценти

ХАЁТДАГИ БИРДАН БИР БАХТ - БУ ДОИМО МАҚСАД САРИ ОЛФА ИНТИЛИШДИР!

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!!!

«Universal Ta'lim»

Ўқув маркази қуйидаги интенсив ўқув бўлимларига таклиф қилади:

1. АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЛИМИ:

(фақат яқка тартибда)

- **Ўрта ва кичик бизнес менежери** — 1 йил, тезкор - 5 ой, 1 ойга 40 минг сўм (Бизнес асослари, бухгалтерия, меҳнат қўнуқчилиги, компютер, интернет).
- **Компютерда офис ишлари** (бошловчилар учун тўлиқ курс): Windows XP, Microsoft Office: Word, Excel, Paint. Муддати - 2 ой, тезкор ўқитиш - 1 ой ёки 15 кун, 1 ойга — 15 минг сўм.
- **INTERNET ва E-MAIL** (электрон почта) - 15 кун, тезкор - 4 кун, 15 минг сўм.
- **Компютерларни модернизациялаш, йиғиш ва дастурларни ўрнатиш** - 1 ой, тезкор - 6 кун, 1 ойга — 40 минг сўм.
- **Компютерларроқ локал тармоқлар ва сервер бошқаруви** - 1 ой, тезкор - 6 кун, 40 минг сўм.
- **Photoshop, Corel Draw, 3D Max, Auto Cad, Flash MX, Page Maker, Adobe Premiere** (видеомонтаж) дастури. 1-2 ой, 1 ойга — 40-50 минг сўмдан.
- **WEB-сайтлар яратиш** (HTML, JAVA, Home Site, Dreamweaver) - 2 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
- **Дастурлаштириш (VISUAL C++ NET, BASIC 6.0 DELPHI)** - 6 ой, тезкор - 3 ой, 1 ойга — 150 минг сўм. Ва бошқа дастурлар...
- **SQL (Server) маълумотлар базаси бошқарувчиси** - 2 ой, 1 ойга — 150 минг сўм ва бошқа дастурлар...

2. МОЛИЯ-ИҚТИСОДИ, ҲУҚУҚ ВА БОШҚАРУВ БЎЛИМИ:

(малакали раҳбар ва бош ҳисобчилар даражасига)

- **Ўрта ва кичик бизнес менежери** — 1 йил, тезкор - 5 ой, 1 ойга — 40 минг сўм (Бизнес асослари, бухгалтерия, меҳнат қўнуқчилиги, компютер, интернет).
- **Бухгалтер - молиячи** (бош ҳисобчи даражасида) - 1 йил, тезкор - 3-5 ой, 1 ойга — 35 минг сўм (нолдан балансгача, Компютер, Internet, "1С" бухгалтерия программаси).
- **"1С" бухгалтерия программаси** - 1 ой, тезкор - 8 кун, 80 минг сўм. Яқка тартибда.
- **"1С" бухгалтерия программасини ўрнатиш хизмати** -

шартнома асосида.

- **Корхона ҳуқуқшунослиги** (Компютер. Хужжатлаштириш. Меҳнат қўнуқчилиги. Бизнеснинг ҳуқуқий асослари. Бухгалтерия) - 1 йил, тезкор - 3-5 ой, 1 ойга — 40 минг сўм.
- **Банк иши** (офис ва банк программаси, кредитлаш ва бухгалтерия) - 1 йил, тезкор - 3-5 ой, 1 ойга — 40 минг сўм.
- **Кадрлар иши** - 6 ой, тезкор - 2 ой, 1 ойга — 40 минг сўм (Компютер, Internet, меҳнат қўнуқчилиги).
- **Секретар-референт** - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 40 минг сўм (Компютер, Internet, иш юритиш тактикаси).

3. ЙИГИТ-ҚИЗЛАРИНИ ХАЁТГА ТАЙЁРЛАШ БЎЛИМИ:

(фақат кичик гуруҳларда)

- **Аудио, видеоаппаратуралар таъмирловчи** - 4 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
- **Электромонтёр** - 4 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
- **Уяли телефонларни таъмирлаш** - 3 ой, 1 ойга — 100 минг сўм.
- **Уяли телефонларни дастурлаштириш** - 1 ой, 200 минг сўм.
- **Заргарлик** - 6 ой, тезкор - 3 ой, 1 ойга — 70 минг сўм. Яқка тартибда. заргар ўргатади.
- **Сартарош-стилист, педикюр-маникюр** (эркаклар ва аёллар учун) - 4 ой, тезкор - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Тирноқлар ва кичикларни ўстириш, тирноқларни коррекциялаш, акрил ва гуаш билан гул ясаш, чизиш** (яқка тартибда) - 1 ой — 150 минг сўм.
- **Косметолог-визажист** - 2 ой, олий курси билан тезкор - 1 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Фармацевтика** (Компютер, интернет билан) - 1 йил, тезкор - 3 ёки 5 ой, 1 ойга — 20 минг сўм. Ўқиб дорихонада.
- **Тиббиёт ҳашираши, массажи** - (Компютер ва интернет билан) 1 йил, тезкор - 3 ёки 5 ой, 1 ойга — 20 минг сўм. Ўқиб поликлиникада.
- **Кийимларни тикиш-бичиш, моделлаштириш ва элита пардалар** - 4 ой, 1 ойга — 20 минг сўм, тезкор - 2 ой.

- **Астарли устки кийимлар тикиш** - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм (яқка тартибда).
- **Тўй ва оқшом кўйлаклари тикиш** - 2 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 30 минг сўм (яқка тартибда).
- **Газламалардан гуллар ясаш** - 2 ой, тезкор - 10 кун, 1 ойга — 25 минг сўм (яқка тартибда).
- **Қўлда кийим-буюмлар тўқувчи** (яқка тартибда) - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм.
- **Бисер усулида каштакчи-безакчи** - (олий курси билан) 2 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Бисер асосида дизайн** - (яқка тартибда) - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Зардўзлик** - (яқка тартибда) - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм.
- **Машинада ва қўлда каштак тикиш** (вишавка) - 3 ой, 1 ойга 25 минг сўм (яқка тартибда).
- **Юмшоқ ўйинчоқлар ясаш** (яқка тартибда) - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Ўйгур, миллий ва европа таомлари** (70дан ортиқ овқатлар) 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Пазандачилик** - (пишариқлар, торлар, салатлар, овқатлар...) 3 ой, тезкор 1 ой ва 1,5 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Тортларни олий даражада безатиш санъати** - 1 ой, 150 минг сўм (яқка тартибда).

4. ТИЛЛАРИНИ МУҚАММАЛ ЎРГАНИШ БЎЛИМИ:

- (кичик гуруҳларда, аудио-видео аппаратуралар ёрдамида)
- **Инглиз тили** - (бошловчилар учун) - 4 ой, (чқур ўрганиш) гнд-таржимон - 4 ой, (олий курси) гаплашув клуби - 4 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Рус тили** - (бошловчилар учун) - 4 ой, (давом эттирувчилар учун) - 4 ой, гаплашув клуби - 4 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Немис, француз, инглиз, рус, корей, турк ва араб тиллари** - (яқка тартибда) - 4 ой, ҳафтада 3 марта. 1 ойга — 100 минг сўм.

- Дарслар фақат яқка тартибда ёки кичик гуруҳларда деярли хужжат топириган кўнгингизданок бошланади;
- Ўқиш вақтини ўзингиз белгилaysиз. Барча йўналишлар бўйича тезкор ўқитиш гуруҳлари мавжуд. Ўқиш учун фақат паспорт ёки тугилганлиқ ҳақида гувоҳнома талаб қилинади. Тўлов нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан!
- **Сертификат** — диплом бериллади.
- **Қабул:** 9:00-19:00, дам олиш кўни — яқшанба. **Ётоқхона** - 1 ойга 25-30 минг сўм.

МАНЗИЛ: Тошкент ш. Халқлар дўстлиги кўчаси, 13-уй.
КЕЛИШ ЙўЛИ: Автобус: 77. Трамвай: 9.
Троллейбус 6. Маршрутка: 98, 132, 15, 134, 40, 81, 12, 98. **Метронинг** «Хамза» бекати.
Мўлжал: «Flagman» кафе-ресторанининг ўнг томонидаги 13-уй.

Тел.: 273-91-60(факс), 273-44-26.



Лицензия № ASUZ 001922007T0002-05

Замон талаби

Ёшлар йили. Аксарият тадбирларда ишлатилаётган бу ёбора ҳар кимга ўзига хос туйғу, ўзига хос ҳаяжон бахш этмоқда. Ёшларнинг ўзида эса орзу, изланиш, ташаббус туйғуларини пайдо қилаётгани аниқ. Зеро, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ўттиз ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Албатта, бу Президентимиз таъкидлаганидек, масаланинг мазмун ва моҳиятига давлатимиз, жамиятимиз ва кенг жамоатчиликнинг фикрини, диққат-эътиборини қаратишдир. Яъни, ёшлар масаласини умумхалқ ҳаракатига айлантиришдир.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги раҳбарияти доимий ва узлуксиз тарзда ёшларнинг

замонавий билим олишлари, баркамол авлод бўлиб етишишлари йўлида ҳамма шарт-шароитни яратиб келмоқда. Жумладан, Тошкент ахборот технологиялари университети талабалари учун кенг, ёруғ, таъмирдан чиқарилган аудиториялар, компьютерлар билан жиҳозланган синфлар, электрон кутубхоналар, талабалар тураржойида замонавий ошоналар ва шу каби қулай имкониятлар яратилган.

Ўз навбатида, ёшлар ва ёш мутахассислар озод ва обод Ватан олдидаги вазифаларини чуқур тушу-

ниб етишлари ҳам қарз, ҳам фарз-дир. Жумладан, ёшлар теран мушоҳада қила олишлари, меҳнат қилиш ва маҳсулот сифатини ошириш, маҳсулот сифатига бўлган халқаро талабларни ўрганиш, меҳнат маданиятига риоя этиш талабларини билиш, тежамкорлик йўл-йўриқларини ўрганиш, фаолият кўрсатаётган корхонаси келажаги ҳақида қайғуриш, илм ва фан ютуқларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда жорий этиш каби ҳислатларга эга бўлишлари замон талабига айланиб бормоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ёшларни етук мутахассис қилиб етиштириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, гоёвий-ҳуқуқий, сиёсий-иқтисодий билимларини ошириш ва бугунги кунда давлатимиз олиб бораётган сиёсат моҳиятини тушунириш мақсадида университетнинг Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан "Бугунги кун ёш мутахассисининг кодекси" қабул қилинди. Қуйида ана шу кодексни эътиборингизга ҳавола қиламиз. Бу албатта ёш мутахассислар фаолиятида фойдали бўлади деган умиддамиз.

Неъматилла МЎМИНОВ,
ТАТУ маънавият ва тарғибот
ишлари бўйича проректори

Бугунги кун ёш мутахассисининг кодекси



1. Иқтисодиёт тафаккури ила ўйлашга ҳаракат қил.

Техникавий тараққиёт ўз мақсади йўлидан нарига ўтмайдиган омил бўлмай, балки инсонлар турмуш фаровонлигини оширувчи омилдир. Иқтисодий кўрсаткичлар – техника ижтимоий ва иқтисодий таъсирининг кўзгусидир. Иқтисодиёт нуктаи назаридан ўйламасдан қабул қилинган ҳар бир қарор мустақиллик шароитида корхоналар учун хавфли бўлган бир ҳолатдир.

2. Меҳнат ва маҳсулот сифатини ошириш.

Амалий нуктаи назардан олиб қараганимизда, қўл остимизда энг яхши меҳнат қуроллари ва материаллар бўлмаган ҳолатда ҳам, ҳозиргидан ҳам яхшироқ ишлаш мумкин. Энг муҳими хоҳишдир.

3. Сифатга бўлган халқаро талабларни ўрган.

Давлат стандартлари ва техник шароитлардан ҳам узоқроқни кўра бил, чунки улар қисман эскирган, қисман маъносиз парчалангандир. Бу эса келажақ олдимизга қўяётган талабларни бажариш омилдир.

4. Меҳнат маданиятини ошириш.

Сифат, иш унумдорлиги, тартиб – айнан меҳнат маданиятидан бошланади. Касбдошларинг ва қўл остингдагилардан меҳнат маданиятига риоя қилишни талаб қил. Агар бу сенинг масъулиятингга бўлса, меҳнат маданиятига бўлган ғамхўрлигингни ошири. Талабчан бўл.

5. Хомашё ва энергияни тежа.

Тежамкорлик техник лойиҳалаштириш иншоот ва технология жараёнларини лойиҳалаштиришдан бошланиб, яъни унга ишлаб чиқаришда бевоқифа ишлатиш йўли билан ҳам эришиш мумкин.

6. Ўз корхонаг келажаги ҳақида ўйла.

Ҳаёт биздан технологик жараёнларни вужудга келтиришни талаб қилапти, шунинг билан биргаликда, қатъий равишда технологияни янгилаш, юксак даражадаги техникани қўллаш талабини қўймоқда.

Корхонаг ишлаб чиқараётган маҳсулот маҳаллий эҳтиёж талабларига жавоб бера оладими, шу билан бирга, халқаро товар алмашувчи ва четга товар чиқаришнинг келажагидан келиб чиққан ҳолда – Сенинг маҳсулотиң уларга керакми?

Корхонагнинг бошқа бирон соҳага мослаштириш тўғрисидаги мақсадга мувофиқ тақлифларни ва имкониятларни рад қилма.

7. Илм ва фан билан боғланиш йўлини изла.

Тараққиётимизнинг заиф томонларидан бири шуки, у ҳам бўлса илм ва фан ютуқларини амалиётга қўллашнинг оғир ва машаққатли йўлидир.

Агар сен янги технология ва техника ускуналарини ишлаб чиқариш устида ишлаётган бўлсанг, сенинг талабингга жавоб бера олувчи илмий муассасалар ва олимлар билан, ўзингни улардан устун қўймай туриб, улар билан боғланиш йўлини изла.

Турмуш билан боғлаб бўлмайдиган, бир қарашда ҳаёлий бўлган тақлифларни тушунишга ҳаракат қил, уларни амалиёт билан боғлаш йўлини қидир.

8. Истеъмолчига нисбатан хайрихоҳ бўл.

Бозор иқтисодиёти шароитида қандай маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулотнинг таркибини ва хизмат қилиш жараёнини ишлаб чиқарувчи эмас, аксинча, истеъмолчи хал қилади.

Истеъмолчининг тақлиф ва эътирозларини эътибор билан тингла, гарчи у сенинг харидоринг, савдо ишларингга ўртада турувчи ёки мижозинг бўлган тақдирда ҳам. Бу билан сен нафақат унга, балки ўзингга, ўз корхонагга ҳам хизмат кўрсатган бўласан. Чунки ҳар бир ишлаб чиқарувчи бир вақтнинг ўзида бирон-бир ишлаб чиқаришнинг маҳсулот ва хизматининг истеъмолчиси бўла олишини унутма.

9. Ижтимоий муҳит шароити билан мослашишга ҳаракат қил.

Ишлаб чиқаришни такомиллаштириб, бир вақтнинг ўзида инсонлар турмуш даражасини оширишга ва ижтимоий муҳитни яхшилашга ҳаракат қил.

10. Табиатни асра.

Қучли ва иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган ишлаб чиқаришлар — фаровонлик эмас, аксинча, агар у атроф-муҳитни, ҳаво, сув ва ерни ифлослантирса, табиатни зарарласа, одамларни шовқин-сурон билан безовта қилса, бу — фалокатдир.

Сен бу масалаларни ечишга ишлаб чиқариш ва лойиҳалаштириш жараёнини бошлаш арафасидаёқ ҳаракат қил.

11. Иш фаолиятини олиб боришнинг янги турларини изла.

Тўсатдан қилинадиган ва оригинал тақлифларни рад этма. Сенинг ишбилармонлигинг ўз Ватанимиз технологияси яратилишининг меvasи бўла олиши мумкин.

12. Хорижий алоқалар йўлини изла ва уларни ривожлантир.

Республика мустақиллиги дунё иқтисодиётига олиб боровчи йўللарида қийинчиликларни енгиб ўтишни талаб қилади.

Сен ҳеч қачон илгор ҳамкорлик ҳақидаги ахборотларни рад этма, гарчи у сенинг тасарруфингга бўлмаса-да, аксинча, сен ушбу ахборот билан ўз ўртолқларингни таништир.

13. Янги ахборотлардан фойдаланиш ва улардан бохабар бўлиш йўлини қидир.

Республиканинг янги техника ва технологияси фақатгина дунёвий технологик нуктаи назардан ва кўп сонли ахборот нашрларга таянган ҳолда йўлга қўйилиши мумкин.

Ахборотга эга бўлиш йўлида ҳеч қандай маблағ ва қучингни аяма, чунки валюта сарф қилиш бу келажақда инвестицияга эга бўлиш демакдир.

14. Чет тилларини ўрган.

Келажақда сенинг зимманга чет тиллардаги адабиётлар ва ҳужжатларни ўқиш бугунгидан ҳам кўпроқ юқлатилади, шу билан бирга, нафақат хорижий мутахассислар билан импорт қурилмаларини такомиллаштириш жараёнида, балки хорижда ҳам малакангни оширишнинг тўғри келади.

15. Ўз билим ва маҳоратингни оширишни ўрган.

Нафақат маҳсулотлар, балки конструкторлар ва ишлаб чиқариш мутахассисларининг билимлари ҳам эскиради. Билим олишдан эринма, аксинча, янги тажрибаларни ўрганиш ва билим олиш йўлида ҳар бир имкониятдан фойдалан, яъни курсларда ўқи, илгор ишлаб чиқаришларда, агар имкони бўлса, хорижий юртларда ўз малакангни ошир.

16. Ёш мутахассислик номингни асра.

Ўз аҳдингга содиқ бўл, ҳалоллик ва ҳаққўйликни қадрла. Ўз номингни, касбдошинг ва мутахассислик номингни ҳимоя қил. Касбдошингни асоссиз танқид қилма. Фақат яхши ишларда қатнаш, мутахассис номига, иқтисодимизга ва турмуш шароитимизга ёмонлик келтирувчи омиллардан ўзингни четга ол.

17. Рақобатбардош бўл.

Талабалик йилларида олишинг керак бўлган билимларни менсимаслиқдан чекин, илминг, шижоатинг, ихтирочилигинг, Ватанга содиқлигинг билан хориж мутахассислари олдида рақобатчи эканлигингни унутма.

18. Ўз иқтидорингни намоён этишни ўрган.

"Келажақ овози" танлови доирасида билиминг, тажрибанг, эришган, қиришган ютуқларингни, истеъдодингни намоён эт.

19. Меҳрибонлик туйғуинг доимий бўлсин.

Меҳр-оқибатли бўлиш, ногиронларга ёрдам ҳисси билан яшаш, ширинсўз ва одамоқун бўлиш келажаги буюк Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашига қўшган ҳиссанг бўлади.

20. Соғлом турмуш тарзига амал қил.

Аввало, ўз соғлигингни сақла, бу эса ўз навбатида, соғлом оила ва соғлом жамиятнинг бунёд этилишига олиб келади.


OQLAR BOSHLAYDI VA ...

ШАХМАТ ТАРИХИДАН

(Воқеа швед қироли Карл XII билан содир бўлган)
Муаллифи — Самуэл ЛОЙД.


Ушанда жанг кетаётганди. Аскарлар душманга қарши курашаётган, қиролнинг ўзи эса жанг майдони ёнгинасида тикланган қароргоҳида хос зобитларидан бирига қарши шахматда дона сураётганди (изоҳнинг ҳожати йўқ...). Имконияти жуда яхши бўлган қирол вазиятни сарҳисоб қилиб, "Уч юришда мот!", дея эълон қилди (1-вазият). Бироқ шу пайт тўсатдан дайди ўқ учиби келиб f1 хонасида турган отни шахмат тахтасидан кулатиб юборди. Бунга Карл парво ҳам қилмади, аксинча, жилмайганича деди: "Тўрт юришда мот!" (2-вазият). Тасодифни қарангки, шу тобда яна бир дайди ўқ келиб h2 хонасидаги қирол пиёдасини ўйиндан чиқарди. Карлнинг жаҳли чикди, аммо кўп ўйланиб ўтирмасдан бор овозда "Беш юришда мот!" дея хитоб қилди (3-вазият). Бу гал у ниятини амалга оширишда ҳеч қандай тўсиққа учрамади.

1-вазият




уч юришда мот

2-вазият



тўрт юришда мот

3-вазият



беш юришда мот

xabarnoma@mail.ru

"Xabar"нинг 2008 йил 11 июл, 28 (825)-сонида берилган шахмат масалалари жавоблари:

1-масала. А.Андерссен — Кизерицкий — 1:0 (уч юришда мот) — 1. Асп:g7+ Шох d8 2. Фр f6+ Асп:f6 3. Фил e7 #

2-масала. Морфи — Аллиес — 1:0 (уч юришда мот) — 1. Фил:d7 Асп:d7 2. Фр b8+ Асп:b8 3. Рух d8 #

"Xabar"нинг 2008 йил 11 июл, 28 (825)-сонида берилган шахмат масалаларига тўғри жавоб йўллаган муштарийлар:

Икром Бўронов ва Равил Зиганшин — "Сурхондарё Телеком" филиали Шеробод ТБ муҳандислари (1-2-масалалар).

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом"нинг 49-бандига асосан, лицензиатларнинг аризаларига мувофиқ:

"Умид телеком" масъулияти чекланган жамиятининг (Хоразм вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001511 рақамли;

"PLATINUM SYSTEMS" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент шаҳри):

- маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002148 рақамли;

- маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002267 рақамли лицензияларининг амал қилиши 2008 йил 21 июлдан тўхтатилади.

XALQ TAVOVATI

Халқ табобатида лимон меваси қон босими кўтарилган ҳолларда уни пасайтирувчи восита сифатида ишлатилса, илмий тиббиётда витаминлар етишмаслиги сабабли келиб чиқадиган касалликларни даволашда фойдаланилади. Шунингдек, лимон сариқ, истиско, сийдик йўлларидаги тош, бавосил, ўпка сили, бод касалликларига тавсия қилинса, илмий тиббиётда лимон ва унинг шарбати меъда-ичак касалликлари, организмда минерал тузлар алмашинуви бузилганда, шарбати ангина, фарингит, безгак билан оғриган беморлар иситмасини туширишда қўлланади.

Унинг шифобахшлик хислатлари: ейилса иссиқдан бўлган бош оғриғи ва бошга ғализ моддалар ҳовури бугланиб чиқишдан содир бўлган бош айланиш дардларига шифо бағишлайди, хуморни босади ва ҳалқумнинг иссиқ шишларини қайтаради, савдо кўпайгани сабабли содир бўлган бағишлайди, савдо кўпайгани шифо сафронинг қайнашиган қон босимини па-меъда ҳароратини сафроли қайт қилиш, юракнинг беҳузур бўлиши, овқатнинг ҳазм бўлмай орқага қайтишини бартараф қилади, иссиқ моддаларни жигардан тортиб, меъда орқали ташқарига ҳайдайди, меъда ва иссиқ мижозли жигарга қуч бағишлайди, шунингдек, қон кўпайишидан содир бўлган сафроли иситмаларга, қоннинг бадбўйлиги, моддасиз ва моддалар кунора тутадиган иситмага даво бўлади.

Лимон истеъмоли ички асаблар ва совуқ мижоз йўтали бор кишиларга зарар қилади, агар меъда бўшаган пайтда ейилса, ичакларни заифлаштириши ва бу аъзоларда оғриқ пайдо қилади. Ушбу зарарларнинг давоси асал ва шакар емоқдир. Лимоннинг ўзи давомли ейилса, уйқун қочиради. Шунинг учун уни шакар ёки оқ қанд билан истеъмо қилмоқ лозим.

Ибн Синонинг айтишича, лимоннинг сиқиб олинган суви хафаконни босади, мураббоси ҳалқумга (томоққа) ва ўпкага маҳлам бўлади. Япроғи меъда ва ичак аъзоларини қучи қилади. Япроғидан кейинги ўринда очилган гули туради. Қобиғи доривор сифатида овқатга солинса, ҳазмга ёрдам беради. Қайнатмаси қусишни тўхтатади, қуюқ шираси, яъни сиқиб олинган сувининг қуюлтирилгани меъдани тоза қилади, иштаҳани очади, сафро қусишни тўхтатади.

Туз сепилган лимон меъдага қуч бағишлайди, оғиз ҳидини ва кекиришдаги бадбўйликни ўзгартиради. Унинг баргини озорқ аччиқ қалампир ёки долчин билан эзиб суртилса, бош оғриғини даф қилади. Ширин лимон нисбатан шифобахшликда биров сустроқ, лекин асабга зарари йўқ.



ЛИМОН


Телевидениенинг ўзига хослиги шундаки, у ҳамма ерга кириб бора олади ва одамлар ҳаётининг ажралмас бўлагига айланиб қолган. Куйида телевидениега хос рекордлар ҳақида ҳикоя қиламиз.

ТЕЛЕВИДЕНИЕГА ОЎД
РЕКОРДЛАР

Энг узун реклама. Бундай реклама Британия телевидениеси орқали намойиш этилган ва у 7 дақиқа-ю, 10 сония давом этган. "Грейт Юниверсал Стерс" савдо марказининг реклама ролиги 1985 йил 20 январда "Хайрли тонг, Британия" номли кўрсатув орқали тўғридан-тўғри эфирга узатилган. Ушбу реклама 100000 стерлингга баҳоланган.

Энг қисқа реклама. Геннис рекордлар китобининг реклама ролиги бор-йўғи 3 сония давом этган. У Европа ойнаихаҳонларида 1992 йил намойиш этилган. Реклама муаллифлари ўзи шундоғам маълум ва машҳур китобга кўп вақт ва маблаг сарф қилишга ҳожат йўқ деб топишган.

Энг узун телесериал. Геннис рекордлар китобига мувофиқ телевидениеда энг узоқ вақт давом этган сериал "Coronation Street" дир. У Буюк Британия телевидениеси орқали 1960 йилнинг 9 декабридан 2004 йилгача намойиш этилган.



Энг кўп қисмли мултифилм. "Скуби Ду" деб номланган бу филм нафақат Геннис, балки киномотография тарихида ҳам энг кўп қисмли филм сифатида муҳрланиб қолган. 350 қисмдан иборат ушбу мултифилмнинг илк намойиши 1969 йили АҚШда бўлиб ўтган.

Энг қиммат телестановка. У ABC канали орқали томошабинларга узатилган "Уруш ва хотира" минисериалидир. Сериални суратга олиш учун уч йил вақт, шунингдек 110 миллион доллар пул сарфланган. Филмининг ўзи эса атиги 14 қисмдан иборат.

Энг давомий телелойиха. Россия телевидениесидаги ягона рекордлар китобидан жой олган дастур "Саёҳатчилар клуби" ҳисобланади. Кўрсатув энг давомий телелойиха сифатида рекордлар китобига киритилган бўлса, унинг бошловчиси Юрий Сенкевич энг узоқ фаолият юритган бошловчи сифатида ўз номини мазкур китобга муҳрлади.



Энг узоқ давом этган трансляция. Швейцариянинг француз тилидаги "Сунисс-4" давлат телеканали 1996 йили 16 кун, 22 соат 45 дақиқа давомда тинимсиз Атлантадан Олимпиада ўйинларини олиб берган. Трансляция шу йилнинг 19 июлида бошланиб, 5 августда тугатилган.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси жамоаси жамғарманинг масъул ходими Нозима Умаровага онаси

Ўқтам аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбектелеком" АҚнинг "Shaharlararo aloqa korxonasi" филиали жамоаси 6-ШМАТБнинг ходимлар бўлими етакчи муҳандиси Эмма Қимга онаси

Валентина АНДРЕЕВАНинг

вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

SPORT

16-17 июл кунлари ТАТУ қошидаги 2-сонли Академик лицей спорт залида Тошкент шаҳар алоқа корхона, ташкилот ва муассасаларида «Ёшлар йили»га бағишланган «СОҒЛОМ ОИЛА» Республика мусобақаси ҳамда Республика спартакиадасининг иккинчи босқич (Тошкент шаҳар алоқа корхона ва ташкилотлар биринчилиги) баҳслари ўтказилди.

АЛОҚАЧИ-СПОРТЧИЛАР МАҲОРАТИ ЮКСАЛМОҚДА



«СОҒЛОМ ОИЛА» кўпкураш мусобақаларида ЎзТТБРМ вакиллари — Ремзи Осмонов ва Дилдора Ғуломовалар оиласи биринчи ўринни эгаллашди. «Тошкент почта-ти» шарафини ҳимоя қилган Отабек Одилов ва Сурайё Тожибоевалар оиласи иккинчи ўринга лойиқ деб топилган бўлса, Даврон Зиёев ва Нодира Тошиевалар оиласи (ФТМТМ) учинчи бўлди.

Республика спартакиадаси баҳслари қизгин курашлар остида кечди. Баҳсларга яхши тайёргарлик билан келган иштирокчилар якунда ғолибликни қўлга киритишди:

ШАХМАТ БЎЙИЧА ЭРКАКЛАР ЎРТАСИДА

1. Валерий Аванесов — «Ўздунробита» КК
2. Нодир Жўраев — «Матбуот тарқатувчи» АК
3. Дмитрий Ли — ЭМММ

ШАХМАТ БЎЙИЧА АЁЛЛАР ЎРТАСИДА

1. Лола Олимжонова — «Ўзбектелеком» АК
2. Дилором Абдурасулова — «ШАК» филиали
3. Дилдора Абдуазизова — «Ўзбектелеком Мобайл» филиали

ШАШКА БЎЙИЧА ЭРКАКЛАР ЎРТАСИДА

1. Шерзод Камолов — «ШАК» филиали
2. Хуршид Комилов — ФТМТМ
3. Музаффар Полвонов — «Ўзбектелеком Мобайл» филиали

ШАШКА БЎЙИЧА АЁЛЛАР ЎРТАСИДА

1. Наталья Волкова — «ЎзНЕТ» филиали
2. Елена Колочёва — ЎЗИНФОКОМ
3. Саодат Аҳмедова — ЎзТТБРМ

СТОЛ ТЕННИСИ БЎЙИЧА ЭРКАКЛАР ЎРТАСИДА

1. Рамил Якубов —

- «ТошТТС» филиали
2. Олимжон Фафуров — ЎзТТБРМ
 3. Олимжон Ўралов — «Тошкент почта-ти» филиали

СТОЛ ТЕННИСИ БЎЙИЧА АЁЛЛАР ЎРТАСИДА

1. Шаҳноза Абдувоҳидова — ЎЗИНФОКОМ
2. Шоҳида Одилова — «Тошкент почта-ти» филиали
3. Елена Данилина — ЎзТТБРМ

КЎПКУРАШ МУСОБАҚАЛАРИ

- 1-ўрин. ЎЗИНФОКОМ жамоаси
- 2-ўрин. ФТМТМ жамоаси
- 3-ўрин. «Халқаро почта-ти» жамоаси.



Мусобақа бош ҳаками Суннат Абдуганиев қизиқарли ўтган баҳслар ҳақида ўз мулоҳазаларини қуйидагича баён этди:

— Пойтахт алоқа корхоналари ўртасида ўтган мусобақаларнинг натижалари шунини кўрсатяптики, икки йил аввал соҳамизда ўтказилган «Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун энг яхши шароит яратган корхона» кўрик-танловида яхши натижаларга эга бўлган корхоналар бу сафар ҳам шохсупанинг юқори поғонасидан жой олишмоқда. Демак, ушбу тадбирлар самараси намойён бўлмоқда. Соҳа ходимларининг шашка, шахмат ва айниқса, стол тенниси бўйича

техник маҳоратлари сезиларли даражада ошган.

ФТМТМ, ЎзНЕТ, ЎзТТБРМ жамоаларида ўтган йилларга нисбатан ўсиш яққол кўзга ташланиб турибди. Мазкур корхоналарда спорт ишлари анча яхши йўлга қўйилганлиги туфайли ҳам айнан ушбу жамоалар спартакиаданинг норасмий умумжамоа бирин-

чилигида асосий ўринларни бўлиб олишди.

Икки йил илгари ЎЗИНФОКОМ жамоаси шаҳар мусобақаларида умуман иштирок этмасди. Мана шу қисқа давр ичида кучли жамоа шаклланди ва пойтахт алоқа корхоналари ўртасида етакчилардан бирига айланиб олди. Шуниси эътиборга сазоворки, спартакиаданинг якуний финал ўйинларида ЎЗИНФОКОМ жамоасининг 4 ходими Тошкент терма жамоаси таркибиде пойтахт шарафини ҳимоя қилади. Бу кўрсаткич бўйича уларга тенг корхона йўқ («Ўзбектелеком» АК — 1, «ШАК» — 1, «Ўздунробита» — 1, «ЎзНЕТ» — 1, «ТошТТС» — 1).

Қолаверса, почта корхоналари ҳам бошқа корхоналарга чинакам рақобат кўрсата бошладилар. «Тошкент почта-ти» вакиллари икки спорт турида совриндорлар қаторидан ўрин олишди.

Мусобақа якунида Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Тохир Назаржонов беллашувда юқори савияда иштирок этган жамоалар аъзолари ҳамда уни ўтказишга ҳисса қўшган ходимларга ўз миннатдорчилигини билдирди ҳамда ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғаларини топширди. Шунингдек, мусобақага мезбонлик қилган Академик лицейга иккита стол тенниси тўплами совға қилинди.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КЎЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шухрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлигида 0016 рақами билан
руйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 233-36-48; 236-35-29.
Факс: 236-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин.

Наширимиздан кўчириб босилганда «Хабар»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ①
Реклама матнларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

653-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қўғоз бичими А-3, ҳажми
4 босма табоқ,
Алади: 7932 нусха.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва сақланганлиги.
Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Матн тереви: Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.
1 2 3 4 5 6 7 8

Палатага шошиб кирган ҳамширанинг гапи мени хушёр торттирди.

— Кўшни хонада оғир касал бор. Хузурингизга олиб киришимизни сўраяпти.

Ҳамширага у кишининг аҳволи яхши бўлмаса, ўзим борганим маъкуллигини айтдим.

— Биз ҳам шундай фикрда эдик, начогра, бемор инжиқлик қиялпти.

Ўша пайт "йўқ дейиш" қоятошнинг кўчиши билан баравар эди. Беихтиёр рози бўлдим. Ўқийтган китобимни тоқчага қўйиб, хонага нари-бери тартиб бердим.

Бирпас ўтгач, останада аввал ногиронлар аравачаси гилдираги, сўнгра ўриндикдаги одам кўринди. Сесканиб кетсам-да, дарҳол ўзимни "қўлга" олдим. Барибир аравачадаги одам ранг-рўйимдаги ўзгаришни илғаб олган экан, шекилли:

"Кўркманг, мен ҳам сиздек Аллоҳнинг бандасиман", деди.

Бироз хижолат чекдим. Шу чоғ аравача тутқичини ушлаб турган аёлнинг сўзлари далда бўлди.

— Акангиз ҳар доим деразадан ташқарига қараб ўтиради. Куни-кеча ҳовлида юрганингизни кўриб қолди-ю, безовталиги бошланди. Фақат "Наҳотки, мен билган Пўлатов шу киши бўлса" деяверди. Ниҳоят, ҳамширалардан исм-шарифингизни сурштириб билиб олди.

— Чечамиз бўласизми?

— Ҳа, йигирма беш йилдан бери бетоб ҳўжайинимга қарайман.

Кўпдан буён давом этаётган дард мени танийдиган кишини

анча "чўктириб" қўйган эди. Кўзлари қовоқ остига чуқур ботган ҳолда кичрайиб қолган. Мана, қўл ва оёқ, юздаги этлар сўнгалка ёпишиб, жуссани бир сиқим қилиб қўйган. Шунга қарамасдан, бетоблик аломати бемор овозида сезилмас эди.

— Мен вилоятимиздаги алоқа корхонасининг ходими Абдиназар Аликуловман. Сиз билан бирга ишлаш насиб қилмади. Корхона-

ЯХШИ СЎЗ ЖОН ОЗИҚА

мизга энди келганингизда бетоб бўлиб қолдим...

Орага бир зумлик жимлик чўкди. Аравачадаги одам яна ўзини қўлга олиб, "Адашмасам сиз Пардавой Пўлатовсиз, топдимми?!" деди. Мен тасдиқ маъносига бош ирғаб қўйдим. У яқиндан танишишга улгуролмаган бўлса-да, кейинги фаолиятим билан қизиқиб борганлигини билдирди. Сўнгра корхонадаги ишлардан сўради.

— Яхши, — дедим мамнунлик билан. — Ишларимиз тобора ривож топяпти.

Шу чоғ Абдиназар ака аравача "қайиқча"сига лойиқ қаддини кўтаришга урина бошлади. Аёли

Чиннихолчеча ҳаракатга кўмаклашиб юборди. Унинг нурсиз кўзлари бу гал менга "ўткир" қадалди. Беморнинг овози ҳам янада баланд эшитилгандай бўлди:

— Тузалиб кетсам мени ишга оласизми?!

Ёши олтмишдан ошган, дард сабаб қувватдан қолган кишининг бундай қарори бироз ўнғайсизлантириб қўйди. Дарҳол сувга ғарқ бўлаётган одамнинг чўпу хасга интилаётган ҳолатини кўз ўнгимга келтирдим-у "Сизни албатта ишга оламан" дедим. Хаста дилга далда бўлолдим шекилли аёлига қараб ним табассум қилди.

— Раҳмат сизга Пардабой, кўнглимни тоғдай кўтариб юбордингиз. Ўзимни худди корхонангизга қабул қилинган ходимдай ҳис этайман.

Кўп ўтмай улар ўз палатасига кетишди. Шифохонадан чиққунимча ҳар куни кўшни хонага дамбада кириб турдим. Абдиназар ака эса ташрифимдан хурсанд бўларди. Борган сари тетиклашаётганидан суюниб сўйларди. Абдулла Қаҳҳорнинг "Минг бир жон" ҳикоясини эсладик. Унда кетмас дард туфайли аравачага миҳлиниб қолган Мастура Алиева иродаси моҳирлик билан тасвирланган. У тушқун кайфият ўрнига соғайиб кетишга катта умид ва ишонч билан ишайди. Алал-оқибат мақсадига эришади.

— Насиб этса сиз ҳам Мастура Алиевадек саломатлигингизни тиклаб оласиз ва корхонамизга қайтасиз?!

— Айтганингиз келсин, Парда-

TURMUSH CHORRAHALARIDA

бой ука. Ниятимга етсам қани эди?!

... Яхши ният ярим мол деганлари рост экан. Орадан икки йил ўтгач, Абдиназар ака ишхонамга ўғиллари билан кириб келди. У мен кўрган аравачадаги кичик жуссали, нимжон одамга ўхшамас эди.

— Энди биргаликда ишлаймиз-а, — дедим ярим ҳазил оҳангида.

Абдиназар ака қаршисида ўтирган ўғилларига қараб олдида, қулиб қўйди. Бироздан сўнг бу ерга иш бошлагани эмас, балки вақтида руҳий мадад бера олган кўрган аравачадаги кичик жуссали билдиргани келишганини айтди.

— Агар сиз ўшанда билиб ё билмай ноўрин муомала қилганингизда, балки ўзимни шу даражада ўнглаб ололмаган бўлармидим, — дея сўзида давом этди Абдиназар Аликулов. — Ширин сўз жон озиғи, деганлари рост эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдим. Энди ишлаш масаласига келсак, лафзингиз учун раҳмат. Шукрим, Ботиржон ўғлим банкир, Саҳобиддинжон эса фермер. Буларнинг сояи давлати роҳатланиб яшашимга етади.

Ўша кун меҳмонларни уйга бошлаб бордим, иззат-хурмат қилдим. Эртасига оиламиз билан уларникида меҳмон бўлдик. Шундан бери ўзaro борди-келдимиз мустаҳкамланиб бормоқда.

Нортожи ЗИЁЕВ

«БИЛАЙН»ДА ҲАММА НАРСА ОЧИҚ-ОЙДИН

«Unitel» МЧЖ («Билайн» савдо белгиси) ўз абонентларига реал вақт тартибида ўз ҳисобларининг аини пайтдаги ҳолатини билишга имкон беради.




— Абонентлар билан ҳисоб-китобдаги аниқликни таъминлаш барча мамлакатлардаги «ВымпелКом» гуруҳи компанияларининг устувор масалаларидан бири саналади, — дея шарҳлади «Unitel» МЧЖ тижорат ишлари директори Андрей Солоухин. — «Билайн»нинг Ўзбекистондаги миқозларида ўз ҳисоблари ҳолати тўғрисида аниқ маълумот ҳамиша мавжуд, бу нарсга уларга ўз харажатларини назорат қилиш учун ишончли восита бўлиб хизмат қилади. Бундай қадам компаниямизга бўлган ишонччи оширади, уни уяли алоқадан фойдаланувчилар учун очиқ-ойдин қилиб намоён этади.

YASAB KO'RING

КОМПЬЮТЕРДАН... ВЕРТОЛЁТГАЧА

Агар компютерингиз умуман яроқсиз ҳолга келиб қолса, уни ташлаб юборишга шошилманг. Чунки унинг эҳтиёт қисмларидан ажойиб буюмлар, совғабоп ўйинчоқлар ясаш мумкин. Бунинг учун сиздан озгина кунт ва маҳорат талаб қилинади, холос.



Азиз муштарийлар!

«Xabar» газетасига обуна давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичи — 228

